

Хамза АЛЛАМБЕРГЕНОВ

ҒАЙРИТАБИЙ  
ОБРАЗЛАРНИНГ  
МИФОЛОГИК  
АСОСЛАРИ

ISBN 978-9943-25-226-4



9 789943 252264

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРЛИГИ

АЖИНИЁЗ НОМИДАГИ НУКУС ДАВЛАТ  
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ҲАМЗА АЛЛАМБЕРГЕНОВ

**ҒАЙРИТАБИЙ ОБРАЗЛАРНИНГ  
МИФОЛОГИК АСОСЛАРИ**

Тошкент  
«Мұхаррір» наşrieti  
2013

УЎК: 811.512.133

КБК 83.3(5)

А-45

Алламбергенов, Ҳамза.

**А-45** Файритабиий образларнинг мифологик асослари / Ҳ.Алламбергенов; масъул муҳаррир Н.Рахмонов; Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги; Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти.  
– Тошкент: «Muharrir nashriyoti», 2013, 56 б.

ISBN 978-9943-25-226-4

Тақдим этилаётган қўлланма қадимги туркий адабиётда, туркий халқлар фольклорида ва қадимги тасвирий ва амалий санъатда мифологиянинг ўзига хослиги ва ёзма, оғзаки ва санъатда ўзаро уйғунлиги масалалари тадқиқига бағишиланган. Туркий халқлар сеҳрли-фантастик эртаклари мисолида икки ва кўп қиёфали тимсоллар ҳамда уларнинг энг қадимги бадиий тафаккур маҳсулни сифатидаги мазмун-моҳияти, ибтидоий фикрлаш тарзининг табиатдан ажралмагани ва бунинг қонуниятлари хусусида мушоҳада юритилади. Китобда бадиий тафаккурнинг тадрижий такомили, мифологик фикрлашнинг манбалари таҳлил қилинади.

Рисола адабиётшуносларга, фольклоршуносларга, олий ўкув юртлари филология ихтисослиги бўйича таълим олаётган бакалавр ва магистр талабаларга, шунингдек, маданият тарихи билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

УЎК: 811.512.133  
КБК 83.3(5)

Масъул муҳаррир:

**Н.РАҲМОНОВ**

филология фанлари доктори,  
профессор

Тақризчилар:

**К.ҚУРАМБОЕВ**

филология фанлари доктори, профессор

**Ш.ТУРДИМОВ**

филология фанлари доктори

ISBN 978-9943-25-226-4

© «Муҳаррир» нашриёти,  
Тошкент, 2013 йил.

## КИРИШ

Сюжет ҳамда мотивларнинг анъанавийлиги қадимги ёзма адабиёт, шунингдек, халқ оғзаки ижоди табиатига хос муҳим жиҳатлардандир. Қаҳрамоннинг сеҳрли олами бетакрор, ибтидоий тасаввурлари аник, майший тафсилотлари лўнда бўлиб, бу ҳолат ўз давридаги мантикий, адабий тушунчаларнинг ўзига хослигидан далолат беради. Айни пайтда бадиий шаклда ўсиш-ўзгаришлар тизими одамзод дунёқараши соддадан мунтазам равишда мураккаблашишга томон боришини тасдиқлайди.

Ёзма адабиётнинг маnbai ва маншаи мифларда, афсона, эртак ва достонларда. Бу унсурларсиз ёзма адабиёт ривож топиши мумкин эмас эди. Инсоният табиий оламга ўз муносабатини билдирганда ва табиий оламни кундалик турмушига боғлаганди, булар унинг эстетик эҳтиёжини қондирадиган омил бўлиб хизмат қилди. Бунга қўшимча равишда эстетик эҳтиёжни қондириш воситаси сифатида санъатдан ҳам фойдаланди. Инсоният аслида ўз дунёқараши, табиатдаги буюмларга, ҳодисаларга бўлган муносабати ифодаси сифатида бадиий тафаккурни шакллантириди. Шу боис айтиш мумкинки, ёзма адабиётга қадар инсонда бадиий мушоҳада қилиш лаёқати шаклланди, табиатдан, ҳодисалардан, ўзи яратган буюмлардан завқланиш ҳисси пайдо бўлди.

Фақат шугина эмас. Инсониятнинг тафаккури кўп нарсага қодирлигини ва жуда кўплаб мерос яратганини тарих яхши билади. Инсониятнинг тафаккури яратган ҳамма нарса, биринчи навбатда, бизнинг маънавий

меросимиз. Зотан, Президентимиз И.А.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида бугунги кунда маънавиятимизни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонлар тўғрисида сўз юритар эканлар: “Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, **маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар** энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қиласди”<sup>1</sup> деб таъкидладилар. Қадим халқ оғзаки ижоди, ёзма адабиёт бизнинг маънавий меросимиздир.

Адабиёт ўз тараққиёти давомида маълум бир мақсадни кўзлаган ҳолда мифлардан фойдаланиб келган. Айнан ғайритабии тимсоллар анъанавий мифлар заминида пайдо бўлганини таъкидлашимиз даркор (ғайритабии тимсолларга мифология асос бўлгани учун, биз ғайритабии тимсоллар ва мифологик тимсоллар терминини баравар ишлатамиз). Инсоният яратган ғайритабии тимсоллар, сюжетлар, тасодифлардан холи бўлиб, узоқ асрлик бадиий тафаккурнинг маҳсулидир. Бадиий тафаккурнинг инсоният маънавий хаётидаги роли ва вазифаси бекиёсдир.

Ғайритабии тимсолларга ҳамма даврда ҳам бирдай ёндашилган эмас. Бу тимсоллар исломгача бўлган ёзма адабиётда бевосита ва билвосита асос вазифасини ўтаган бўлса, мумтоз адабиётда ижодкорлар ғайритабии тимсолларга ижодий ёндашдилар, бу тимсоллардан маълум бир мақсадда фойдаландилар. Туркий халқлар, хусусан, Сибирь туркий халқлари оғзаки ижодида эса ғайритабии

---

<sup>1</sup> Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008, 29-30- бетлар.

тимсолларнинг барқарор, қадими хусусиятларини ўзида сақлаган ҳолатини кўрамиз. Бу ҳолат, албатта, турли ҳудуддаги туркий қавмлар хаётида диний-фалсафий оқимлар ва уларнинг оғзаки ижодни ўз қамровига олиши билан белгиланади.

XX аср модернизмида мифологиянинг мақсади ўзгарди, ижодкорлар мифологияга онгли равишда ёндашдилар. Жумладан, Ж.Жойс, Кафка, Маркес ва бошқа кўплаб модернчи ёзувчилар мифологияга мурожаат этганларида шуни кўриш мумкин.

Ибтидоий ёки қадимги мифларнинг пайдо бўлиш жараёнида ҳам худди XX асрдаги мифологияга буюк ижодкорларнинг муносабатига монанд жараённи кўрса бўлади. У даврда ҳам инсоният мифларни яратишганда ва уларга мурожаат этганда маълум бир мақсадни кўзлаган: инсоният “умумлаштиришга, тасниф ва таҳлилга лаёқати, интеллектуал кучи борлигини, буларсиз қадимги маданият мазмунсиз бўлиши”<sup>2</sup> мумкинлигига ана шу воситалар ва омиллар орқали гувоҳ бўламиз.

Ғайритабиий тимсоллар ва мифология ўзаро зич боғланган, бири иккинчисисиз бўлиши мумкин эмас. Шу боис мифологик образлар билан ғайритабиий тимсоллар ўртасига тенглик аломатини қўйиш мумкин. Мифологик образлар шуниси билан диққатга сазоворки, уларда ибтидоий фикрлашнинг ҳар қандай тури – мантиқий фикрлаш ҳам, бадиий фикрлар ҳам, аниқ ва мавҳум фикрлаш ҳам акс этади. Ибтидоий фикрлаш босқичи эса, ўз навбатида, ибтидоий инсоннинг дунёқарашидан иборат. “Ибтидоий инсон ҳам ўзини табиий оламдан ажратиб олмаган, инсоний хусусиятларни табиий объектларга

күчирган, уларга ўз ҳаётини, инсон ҳис-туйгуларини, онгли, маълум бир мақсадга йўналтирилган фаолиятини сингдирган”.<sup>3</sup> Бу дегани – инсон атроф-муҳитни шахслаштирган деганидир. Атроф-муҳитни “шахслаштириш” орқали ибтидоий инонч-эътиқодлар – фетешизм, анимизм, тотемизм каби эътиқод ва қарашлар шаклланади, бу эса ғайритабиийликсиз бўлиши мумкин эмас. Ибтидоий даврда “одат”даги ҳолат бугунги кунда ғайритабиийлик касб этади.

---

<sup>2</sup> Мелетинский Е.М. Поэтика мифа. – Главная редакция восточной литературы. М.: 1976, с.158.

<sup>3</sup> Мелетинский Е.М.Юкоридаги асар, 164-165-бетлар.

## I ФАСЛ

### ИЛК БАДИЙ ТАФАККУРДА ИККИ ҚИЁФАЛИ МИФОЛОГИК ПЕРСОНАЖЛАР ВАЗИФАДОШЛИГИ

Инсоният азалдан ташқи таъсирларга берилувчан бўлган. Айниқса, ибтидоий ва қадимги даврлардаги инсониятнинг тафаккури, дунёқараши тарзида, оламни англаш мезонида ўзига хослик бор. Бу ўзига хослик маълум қонуниятга таянади. Қонуният шундан иборатки, инсон барча тасаввурларини ташқи ҳодисалардан олган. Аммо буни онгли равишда қилмаган. Бу ҳодисани тушуниш ва англаш учун, табиат ва табиий ҳодисаларга ўз муносабатини билдириш ва буни табиий қонуният деб қараш сабаб бўлган. Бугун биз англаб тушунадиган “табиат”ни инсон ибтидоий даврда жуда яқиндан ҳис қилган, табиат қонуниятларини ўзига хос тарзда англаб етган. Соддароқ қилиб айтганда, табиат ҳодисалари билан ўзи ўртасидаги боғлиқлик мавжуд деб билгани ҳолда, табиатни айнан ўз хатти-харакатларига кўчираверган. Фақат инсон ўзига тегишли бўлган, ўзи истаган нарсага муносабатини билдирган. “Шунинг учун ҳам овчилар учун ташқи табиат ҳайвонот олами билан бирлаштирилган”<sup>4</sup>. Овчилар табиатга жуда яқин бўлгани учун ҳам ибтидоий тафаккур тарзини баҳолашда овчилар, бундан ташқари, шу тоифага яқин дехқонлар, чорвадорлар ва бошқа тоифа одамларнинг дунёқарашига таянамиз. Зотан, қадимий тасаввур ва тушунчалар, ибтидоий оламни англаш мезонлари кўпроқ ана шу тоифаларда сақланади ва дунё халқларининг ҳаммасига алоқадор бўлган

<sup>4</sup> Фрейденберг О.М. Миф и литература древности. М.:Главная редакция восточной литературы. 1978,19-бет.

қарашлардир. Бу қарашлар қандай шаклда бўлмасин, барибир, бадиий тафаккурнинг маҳсали ўлароқ юзага чиқади ва илмий адабиётларда “қолдиқ” (пережитки), “реликт” деган терминлар билан аталади. Аммо буни айрим олимлар айтиётгани сингари, “ақлий қолоқлик” деб қараш нотўғридир, бу ҳодисалар ибтидоий одамнинг фикрлаш тарзини, табиий ҳодисаларга муносабатини “илмий” асосда билдиришга уринишлари сифатида қаралиши керак.

Инсоният ҳаётида ғайритабиийликнинг келиб чиқиши, биринчи навбатда, кундалик ҳаётни табиат билан боғлагани, жамики табиатни жонли деб ишонишидадир. Ана шу босқичда миф пайдо бўлади. Гайритабиийлик эса, асосан, мифнинг маҳсулидир. Ибтидоий инсон қабилалари учун қуёш ва ой, дарахтлар ва дарёлар, булут ва шамол жонли “мавжудот”лардир. Булар ҳам инсонлар ёки жонзотлар сингари мавжудотлар, деб тасаввур қилинган. Бу обьектлар инсон тасаввурида, уларнинг сунъий қуроллари ёрдамида, жонзотлар сингари, маълум бир аъзолари ёрдамида бу оламда ўзларига юклатилган вазифаларни бажаради.<sup>5</sup>

Ҳар қандай буюм ёки материал остида ҳам қандайдир ярми инсонга мансуб қўрқинчли махлук бўлиши мумкин. Бу махлук ҳамма нарсани – бўлғуси воқеа-ҳодисаларни, жамиятни сўзлари, ҳатто нафаси ва бошқа хатти-ҳаракати билан ҳаракатга келтириши мумкин. Бу инсониятнинг ташқи олам билан алоқасини кўрсатади. Марказий Осиё ҳудудида яратилган тасвирий ва амалий санъат намуналарида, афсоналарда, эртак ва достонларда инсониятнинг ташқи оламга муносабатини кўрамиз. Фикримизнинг исботи сифатида Марказий

Осиёнинг энг қадимги афсоналаридан айримларига, жумладан, Геродотнинг “Тарих” китобида сақланиб қолган скифлар тўғрисидаги афсоналарга мурожаат этамиз.

Геракл чорвасини ҳайдаб, ўша пайтда инсон оёғи етмаган юрга бориб қолган экан. (Ҳозир у ерларда скифлар яшайдилар.) Герион Понтадан узоқда – Океан оролида, Геракл Устунлари ортидаги Гадирда истиқомат қиласарди (бу оролни эллинлар Эрития деб айтишади).

Эллинлар ҳикоя қилишларича, Кун чиқишидан бошлаб, бутун Ер шари бўйлаб океан оқар экан. Лекин ўзлари ҳам буни аниқ исботлай олмайдилар. Шундай қилиб, Геракл ҳозирда Скифлар мамлакати деб айтиладиган жойга ўша ёқдан келиб қолган экан. У ерда Геракл бўрон, совуқقا деч келиб қолибди. У отларини ўтлатгани қўйиб юборибди ва ўзи *тўнғиз терисига* (таъкид бизники – X.A.) ўраниб ухлаб қолибди. Бу пайтда унинг отлари сирли равишда ғойиб бўлибди.

Геракл уйғониб, отларини излашга тушибди ва бутун мамлакатларни кезиб чиқибди. Нихоят, Гилай деган юрга келибди. У ерда бир ғор бор экан. Форда у *ярми аёл, ярми илон бўлган* (таъкид бизники – X.A.) аллақандай жонзотга дуч келибди. У жонзотнинг сағрисидан юқори қисми – аёлга, пастки қисми – илонга ўхшар экан...

Бундан кейинги воқеалар маълум: Геракл ўша жонзотнинг талабига кўра, унга уйланади ва ундан учта ўғил тугилади. Энг кичигининг исми Скиф бўлиб, Геракл қўйган шартни бажаради – унинг камонини тортади, камарини боғлайди ва Скифия шоҳи бўлади.

---

<sup>5</sup> Тайлор Э.Б. Первобытная культура. Москва, Издательство политической литературы, 1989,

Гарчи Геродот скифларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги учта афсонадан иккитасига (жумладан, бу афсонага ҳам) ишонмаслигини, фақат скифларнинг Ўрта Осиёдан келиб чиққани тўғрисидаги ривоятга (бу ривоят кўпроқ тарихийлик тамойилларига асосланган бўлиб, барча воқеалар маълум аниқ географик шароитда ва аниқ тарихий қавмлар ўртасида юз беради) ишонишини асарида айтиб ўтган бўлса ҳам, биз учун мазкур афсонадаги ярми илон ва ярми одам бўлган жонзот тимсоли диққатга сазовор. Бундан тарихий тамойилларни қидириб бўлмайди ва бу бизнинг мавзуга алоқадор ҳам эмас. Бу ўринда мазкур афсонадаги ярми илон, ярми аёл кўринишидаги жонзот диққатга сазовор. Бундай жонзот ибтидоий тафаккур босқичи учун характерли ҳодиса. Бу тасвирни шундай талқин қилиш мумкин: ибтидоий инсон ҳайвонот олами билан қариндош эканига қатъий ишонар эди-ю, бу мавзудаги ҳамма “сюжет”ни ҳам ижоднинг мифик даври билан боғлайвермас эди, яъни инсоният мифик даврни ҳам одатдаги ҳол деб қараган. Чунки шундай тасаввурга эга бўлган инсон ибтидоий жамоанинг оддий аъзоси бўлган эди. Шу боис у жонзот билан қариндошлик алоқасига (яъни никоҳ алоқасига) киради ва бундан амалий натижага эришади: шу орқали уруғга асос солинади.

Худди шу хусусият болаларнинг ўйинлари жараёнида ўз ифодасини топади. Ўғил болалар ўз тасаввурида ёғоч отлар, стул ёки бирон ёғоч буюмлар воситасида қандайдир жонзотни ҳаракатга келтиради. Болаларнинг тасаввуридаги бу жараён ilk мифологик даврни гавдалантиради. Ёки қиз болаларнинг қўғирчоқларини ҳам

шунга мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Қўғирчоқни болалар ўзларининг қиёфадоши сифатида тасаввур қиласидилар, қўғирчоқларни ўzlари каби жонли деб, ўзларининг хатти-ҳаракатларини қўчирадилар (аллалаб, “ухлатадилар”, овқат берадилар, қўғирчоқнинг “хафалигига”, “шодлигига” шерик бўладилар).

Энди юқоридаги афсонада келтирилган ярми илон, ярми жонзотга қайтамиз. Бу анъана фақат Геродот келтирган афсоналардагина мавжуд эмас, балки шу мазмундаги туркий қавмлар яратган афсоналар ҳам бор. Бу ҳакда Н.Раҳмоновнинг ишларида айrim жиҳатлари айтиб ўтилган. У скифлар билан қадимги туркийларнинг уч қаватли олам модели ҳақида сўз юритиб, ҳар иккала халқнинг дунёқараши, оламни англаш мезонларидағи умумийликларнинг ибтидосини аниқлашга ҳаракат қилган ва бундан бошқа бир қатор омиллар орқали ҳар иккаласининг келиб чиқишини топишга эришган.<sup>6</sup> Скифлар ва туркий қавмлар алоқалари ҳақида сўз кетганда, уларнинг тотем анъаналари ҳақида сўз юритиш ўринлидир. Зотан, тотемистик образлар халқнинг қариндошлиқ алоқаларини белгилашда муҳим омиллардан ҳисобланади. Бизга қадимги туркий қавмларнинг энг нуфузли уруғи – Ашин уруғи бўридан келиб чиққани ҳақида афсона етиб келган. Бу ҳакда бир қатор илмий адабиётларда айтиб ўтилган.<sup>7</sup> Қадимги туркийларнинг “бўри авлодлари” деб ном олишига сабаб ҳам ана шу – хоқонлик тахтининг меросхўри Ашин

<sup>6</sup> Қаранг: Раҳмонов Н.А. Орхено-енисейские памятники и тюркские эпосы. АДД, с.1991, 45-46.

<sup>7</sup> Қаранг: Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Изд. Академии Наук СССР, М.: -Л., 1950, с. 221-222; Гумилев Л.Н. Древние тюрки, М.: “Наука” Главная редакция восточной литературы, 1967, с. 22; Раҳмон Н. Турк хоқонлиги. Тошкент. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993, 42-43-бетлар.

уругининг бўридан пайдо бўлгани ҳақидаги афсонага ишорадир. Бу ўринда ўша афсонани келтирмаймиз–да, бу афсонага ҳамоҳанг, агар таъбир жоиз бўлса, келиб чиқиши бир бўлган бошқа халқлар афсона ва ривоятларига тўхталамиз. Зотан, халқларнинг ва қавмларнинг келиб чиқишидаги ғайритабийлик фақат қадимги туркийларда эмас, балки унга қўшни халқларда ҳам бор.

Геродот скифларнинг келиб чиқиши ҳақида афсонани келтирганда, ит бошли скифлар ва йилда бир марта бўрига айланадиган скифлар ҳақида ҳам айтиб ўтади.<sup>8</sup> Археологик топилмалар орасида ҳам бунга монанд материаллар кўп учрайди. Жумладан, инглиз олими Миннс батафсил маълумот бериб, Сибирь скифлари жамиятидаги кўплаб рамзий образларни келтиради. Булар – Сибирь скифлари қабрларида бўри, скифлар тасвирий ва амалий санъатидаги йўлбарс ва ит образлариdir. Шунингдек, бўри тимсолининг скиф ва туркий халқлардаги параллелиги шу билан чегараланмайди. Уйғурларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги тотемистик мифда ҳам айнан бўри иштирок этади. Бу миф Вэй хонадони давридаги (227-264) Чин манбаларида сақланган. Уйғурлар Чин манбаларида Као-чи деб юритилган бўлиб, “катта арава” деган маънони билдиради. Миф асосида шаклланган афсонанинг мазмуни қуидагича:

Хун хоқонининг икки гўзал қизи бор эди. Хун амалдору алплари бу қизларни тангри каби хурмат қиласидилар. Хоқон “бундай гўзал қизларимни инсон боласига бермайман, мен уларни Кўк тангрига бағишлайман”, деб ваъда берди. Бешбалиқнинг шимолида катта сарой

---

<sup>8</sup> Гасанов З. Царские скифы. – Нью Йорк. 2002, с.153.

курдирди ва қизларини у саройга беркитиб қўйди. Сўнгра “Тангрим, бу қизларни қабул эт!” деб тангрига ёлворди. Қалъа атрофида бир бўри пайдо бўлди ва кечаю қундуз бу ерга келиб улий бошлади. Бўри бу ерда уч ой қолди. Нихоят, қалъадаги икки қиздан бири иккинчисига, бу бўри Кўк тангри томонидан юборилган, деб гапирди. Кейин у қиз қалъадан ташқарига чиқиб, бўрига турмушга чиқди. Икковидан бир неча фарзандлар туғилди. Фарзандлар аста-секин кўпайиб, Као-чи қабиласини пайдо қилди. Шунинг учун бу қавм яратган куйлар бўрининг улушига ўхшайди.

Шубҳасиз, Ашин уруғининг келиб чиққани тўғрисидаги афсона билан Као-чи қавмининг келиб чиқиши ҳақидаги афсонанинг замини битта мифга – туркий қавмларнинг келиб чиқиши ҳақидаги мифга бориб тақалади,<sup>9</sup> зотан Ашин уруғининг келиб чиқиши ҳақидаги афсона ва Као-чи, яъни уйғур қавмининг келиб чиқиши ҳақидаги афсона Таншу ва Сийшу йилномаларида ёзиб қолдирилган.

Бу деталлар ёки тимсолларни поэтик уйдирма ё бўлмаса поэтик метафора деб торайтириш ўринли эмас, балки бу тимсол табиат фалсафасига таянади. Гарчи ибтидоий ва ғализ бўлса ҳам, фикр тўлик, жиддий қабул қилинадиган реал ҳодиса сифатида тушунилади<sup>10</sup>. Ярми инсон ва ярми илон бўлган аёл жинси, яъни жонзот – ибтидоий тафаккур маҳсули эканлиги билангина диққатга сазовор эмас, балки ҳайвонот олами билан уйғунлик қасб этгани ва ибтидоий инсон тафаккури учун бу табиий ҳодиса экани билан характерланади.

Дунё халқлари фольклорида “овчилик сюжетлари” бор. Бу “сюжетлар” тасвирий санъатда ҳам, мифларда ҳам ўз изини

<sup>9</sup> Hüseyin Namık Orkun. Eski Türk Yazıtları. Ankara. 1987. – S. 223-224.

қолдирган. “Овчилик сюжетлари” энг қадимий сюжет бўлиб, табиатга, ҳайвонот оламига магик таъсир натижасида пайдо бўлган. Ярми инсон, ярми жонзотлар ана шу қадимий “сюжет”нинг маҳсули. Дастрраб тасвирий ва амалий санъат маҳсули бўлган бу “сюжетлар” оғзаки ижодга, хусусан, сеҳрли эртакларга тасвирий санъат яратилган даврдаёқ ўтган. “Уруғлар, аждодлар тўғрисидаги мифологик сюжетларни ўзида гавдалантирган”<sup>11</sup> бу тасвирлар инсоният илк бадиий тафаккури магик жараёндан иборат эканини далиллайди.

Азалдан инсон ва табиатнинг ўзаро уйғунлиги, инсоният томонидан табиий оламнинг реал ҳолатда қабул қилингани “инсон + табиий олам” тушунчасини бир нуқтада қарашга сабаб бўлди. Фикримизнинг далили учун Қаюмарс афсонасига мурожаат этайлик.

Қаюмарс ҳақида Берунийнинг “Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида батафсил маълумот берилади. “[Эронликлар] оламнинг бошланиши, Ахраман, яъни иблиснинг худо оламни фикр қилиб, унга ажабланганидан туғилиши ва Қаюмарс ҳақида қўплаб ажойиб гаплар айтганлар. [Улар шундай дейди]: тангри Ахраман иши хусусида ҳайрон бўлиб пешонаси терлади, у терни сидириб ташлаган эди, ундан Қаюмарс пайдо бўлди. Тангри уни Ахраманга қарши юборди, у Ахраманни енгиб миниб олди ва унинг [устида] оламни айлантиришга тушди. Нихоят, Ахраман Қаюмарсдан энг ёмон кўрадиган ва энг қўрқинчли нарсасини сўради. Қаюмарс унга жаҳаннам дарвозасига етганда қаттиқ қўрқишини айтди. Ахраман [жаҳаннам дарвозасига] етгач, хийла қилиб ўйноқлай бошлади, охир

<sup>10</sup> Тайлор Э.Б. Юқоридаги асар, 130- бет.

<sup>11</sup> Тројков П.А. Промысловая и магическая функция сказывания сказок у хакасов. – Советская этнография, 1969, № 2, с.28-29.

Қаюмарс унинг устидан йиқилиб тушди. Ахраман унинг устига чиқиб олди ва Қаюмарсдан: “Қайси томонингдан ейишга бошлай?” – деб сўради. Қаюмарс ўзининг айтганига Ахраманнинг мухолиф бўлишини билиб: “Оёқ томондан ейишга бошлагин, олам ҳуснини бир муддат кўриб турай”, – деди. Ахраман уни бош томондан ейишга бошлаб, моягига ва эрлик уруғи идиши (турадиган) жойга етганда, ундан икки томчи эрлик суви ерга томди-да, ердан икки туп ровоч кўкариб чиқди ва ровочлар ўртасида Мишо ва Мишона туғилди. Бу иккиси [эронликлар наздида] Одам ва Ҳаво ўрнида бўлиб, уларни Малҳий ва Малҳиёна ҳам дейдилар. Хоразм оташпастлари уларни Мард ва Мардона деб атайдилар”.<sup>12</sup>

Бу афсонавий шахснинг турли тарихий манбалардаги баёни тўғрисида Беруний чуқур таҳлиллар олиб борар экан, Қаюмарс тарихи ҳақида Абу Ҳасан Озархур, Муҳаммад ал-Балхий ва бошқа қатор Эрон манбаларидаги маълумотларни солиширади, ер юзидағи биринчи инсон сифатида кўрсатиб, унинг яратилиши билан боғлиқ маълумотлар қанчалик аниқ ёки ўзгача эканлиги ҳақида айтади. Беруний келтирган турли манбаларда Қаюмарс гоҳ “Гилшоҳ” (балчик шоҳ), гоҳ “Гиршоҳ” (тоғ шоҳи) деб талқин қилинади.<sup>13</sup>

Қаюмарс ҳақидаги афсона Хоразм заминида ҳам ёйилган бўлиб, машҳур археолог С.П.Толстовнинг бу ҳақдаги кузатишлари диққатга сазовордир. С.П.Толстов “Авесто”даги ва паҳлавий афсоналаридаги Айрианем-вэжо билан боғлиқ бир қатор анъаналарга диққатни жалб қиласи. Айрианем-вэжо – “Қаюмарс” исмининг қадимги паҳлавий ва

<sup>12</sup> Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. 1- жилд, Тошкент, “Фан” нашриёти, 1968, 127-128-бетлар.

<sup>13</sup> Қаранг: Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар, 127-128- бетлар.

“Авесто”даги номидир. С.П.Толстов Хўжайли яқинидаги Жумарт қассоб деган тепаликни ана шу Айрданем-вэжо, яъни Қаюмарс билан боғлайди. Олим Жўмарт қассоб тепалиги атрофидаги жой номлари ва киши исмларини бир-бирига боғлиқликда олиб қараб, Тавротдаги Шимшўн, Сиф каби қаҳрамонларни ҳам Қаюмарс билан алоқадор деб билади ва шундай хулосага келади: “Шубҳасиз, бу ёдгорлик ва ҳаробалар комплекси қадимги Эрон афсонавий қаҳрамони Гавомард – Қаюмарс (Жумарт, Жумурт) билан боғлиқдир. Бу қаҳрамон Айрданем-вэжода буқа билан ассоциация қилинади. (К.В.Тревернинг фикрича, *Гавомарт* сўзи “буқа-одам деган маънони билдиради; буқа унинг йўлдоши бўлган”)<sup>14</sup>.

Н.М.Маллаев ҳам Қаюмарснинг ғайритабиий қиёфаси тўғрисида К.В.Треверга ҳамоҳанг фикрни айтган<sup>15</sup>.

Нафакат маълум бир афсонавий шахслар, балки бутун бошли ҳалқ ҳам ғайритабиий қиёфага эга бўлиши мумкин. Бизнингча, бутун ҳалқнинг ғайритабиий қиёфасини метафорик тасвир деб қараш мақсадга мувофиқдир. Бундай ҳолатни цивилизациялашмаган ҳалқлар хаётида кўриш мумкин. Масалан, XIX асрда ҳам бирма ҳалқини ит-одамлар деб тасвирлаганлар.<sup>16</sup> Марко Поло Андаман ороллари аҳолисини бошлари итсимон ёввойи одамхўрлар деб тасвирланган эди.<sup>17</sup> Шунингдек, яна бир қўрқинчли ҳалқ – блемми ҳалқини Плиний деган этнограф бошсиз деб, оғзи, қўзлари эса кўкрагида жойлашган дея тасвирланган эди. Бу тасаввур-тушунчалар ибтидоий даврга эмас,

<sup>14</sup> Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб... Тошкент, “Фан” нашриёти, 1964, 95-бет.

<sup>15</sup> Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент, 1965. 48-49- бетлар.

<sup>16</sup> Тайлор Э.Б. Юқоридаги асар, 190- бет.

<sup>17</sup> Тайлор Э.Б. Юқоридаги асар, 190- бет.

балки XIX асрда Шимолий Америкада истиқомат қилган ва цивилизациялашмаган халқларга тегишли. Чамаси, цивилизациялашмаган, бошқа халқларнинг таъсири кучли таъсир этмагани учун ҳам бу халқларда қадимий тафаккур тарзи сақланиб қолган бўлса, эҳтимол.

Инсон бош қисмининг ҳайвонот усулида тасвирангани шундан далолат берадики, бу ҳодиса типологик хусусиятга эга бўлиб, халқнинг инонч-эътиқодлари билан бирга, турмуш тарзи ҳам бу даврга келиб мифологик мазмун касб этадиган бўлди. Ярми инсон, ярми ҳайвон қиёфасидаги жонзотлар тасвирини архаик мифологиянинг реликтлари сифатида қараш керак бўлади. Бу тасвиrlар архаик мифология заминида шаклланган эртак ёки афсонанинг маҳсули бўлиши мумкинлигини таъкидламоқчимиз. Туркий халқлар бадиий тафаккури тарихида бундай тасвирининг ёрқин намуналарини кузатамиз.

Турк-мўғул ва саян-олтой мифологиясида Эрклик образи кенг тарқалган. У ўликлар диёри ҳукмдори, нариги оламнинг олий ҳаками, иблис, демиург ёки демиург яратган илк жонли мавжудот. Бу исм “Олтин ёруғ”да буддавийлик ақидасининг ҳомийси, бу ақиданинг ёювчиси сифатида талқин қилинади ва Эрклик хоқон деб ҳам номланиб, “кудратли ҳукмдор” маъносини билдиради. Аввал Эрклик хон ҳақидаги афсонага тўхталиб, сўнgra “Олтин ёруғ”даги тимсолига тўхталамиз.

Буддавийлик афсоналарига кўра, ўтмишда Эрклик руҳоний бўлган ва авлиёликнинг энг юқори даражасига эришган. Аммо у ўғирлика айбланиб, ё катл қилинган ёки талончиларнинг

жиноятларига беихтиёр гувоҳ бўлган. Шу сабабдан ўша жиноятчилар томонидан ўлдирилган. Эрклик хоқоннинг боши олинган бўлса ҳам, танаси тириклигича қолган ва боши ўрнига хўқизнинг калласини ўрнатиб олган. Оқибатда у қўрқинчли ва ҳалокатга олиб борувчи иблисга айланиб қолган. Уни “ўлим ғолиби” Ямандаг (санскритча *Ямандага*) ўғирлаб, ер ости оламига жўнатиб юборган. Эрклик ер ости оламида ўша оламнинг ҳукмдори ва ҳаками вазифасида бўлган. Мўғулистонда Эрклик ва Ямантака бир хилда тасвиранади.

“Олтин ёруғ”да ҳикоя қилинишича, Ку тай вафот этганда, унинг оламда қилган гуноҳлари – қизининг тўйида ҳайвонларни сўйиб, курбонлик қилгани учун, нариги оламга Эрклик хоннинг ҳузурига уни тўртта рух ҳукмга олиб боради. “Эй инсон! Сен иссиқ жон(ини) олганлардан ўттиздан ортиғи – боғланган, ушланган жонзотлар алоҳида қудратли Эрклиг хоннинг қаршиисида душманлик кўзини чақчайтириб, ўша кўзлари билан сени кутиб турурлар. Қачон у ерга борсанг, Эрклиг хон жуда қаттиқ қийнаб ўлдирилганларнинг қаттиқ қонуни остида … у ердаги оғир (азоблардан) қутулмагайсан”, дея сўзладилар”. Бундан кейинги воқеалар ўз оқими билан давом этади: Ку тай қилган гуноҳлари учун тавба қилиб, “Олтин ранги, ёруғ, ялтироқ, ҳамма (нарса)дан устун турадиган нўм подшоҳи номли нўм битиги”ни кўчириш учун Эрклиг хонга ваъда беради ва тирилади.

“Олтин ёруғ”да Эрклик хоннинг ғайритабии қиёфаси тасвиранмайди ёки бу ҳакда ишора ҳам йўқ. Бунинг сабаби шуки, Эрклик хон хақидаги турк-мўғул афсоналарида унинг ғайритабии қиёфаси сакланиб қолган. “Олтин ёруғ”дан келтирилган афсонадан маълум бўлишича, у ўлим худоси эмас, балки жонзотларни

асрайдиган, гуноҳлари учун жонзотларни тавбага олиб келадиган ер ости олами худосидир.

Эрклик хоннинг ҳўқиз бошли қиёфада тасвиrlаниши тотемизмнинг маҳсули ўлароқ юзага келганлигини шу ўринда такрорлаш лозим. Тотемизм Марказий Осиёда энг қадимги культ сифатида мавжуд. Эрклик хоннинг ҳўқиз калласи тасвиридан бошлаб унинг ер ости оламида жамики жонзотларни ҳимоя қилувчи худо эканига оид афсоналарга қадар тотемистик мифларнинг излари кўринади. Гарчи тотемистик миф Эрклиг хон билан боғлиқ афсонада ярқ этиб кўринмаса ҳам, тотемизмнинг қолдиқлари борлигини эътироф этишимиз керак. Зотан, “тотемистик мифлар ўзида фантастик тотемистик аждодлар ҳақидаги афсоналарни гавдалантиради” ва мазкур мифларда “одатда, бу аждодларнинг саёҳатлари тўғрисида ҳикоя қилинади (улар, кўпинча, зооантроморфик мавжудотлар сифатида тасвиrlанади, аммо мифда инсон ҳақида сўз кетяптими ёки жонзотлар ҳақида сўз кетяптими – мифнинг мазмунидан бу англашилмайди)”.<sup>18</sup> Агар тотемистик мифларнинг ана шу қонунияти ва хусусиятидан келиб чиқилса ва шу нуқтаи назардан ёндашилса, “ҳўқиз бошли” Эрклик хон тўғрисидаги афсонада ҳам қадимги туркмўгул тотемистик мифлари ётади.

Гап ҳўқиз билан боғлиқ тотемистик мифлар тўғрисида кетаётгани учун Қаюмарснинг ярми инсон ва ярми ҳўқиз қиёфаси тўғрисида эслатган ҳолда, бу жонзотнинг Шарқ халқлари мифологиясидаги роли тўғрисида тўхталиш мақсадга мувофиқдир.

---

<sup>18</sup> Мифы народов мира. Энциклопедия. Том 2. М.: 1992, 522-бет.

Шундан сўнгина мифологик фикрлашнинг ва бу мифологик образнинг моҳияти очилади.

Қадимги шумер, миср ва бошқа бир қатор шарқ халқларида хўқиз мифологик образи учрайди. Бу халқларнинг мифологик тасаввурига кўра, хўқиз худонинг заминдаги тажассумига ва унинг атрибутларига мос келади. Милоддан олдинги 3-2 минг йилликларда Ўрта Осиёда, хусусан, Туронзаминда, қадимги эрон ва ҳинд мифологиясида хўқиз, биринчи навбатда, Ой тангрисининг тимсоли эди. Хусусан, Эрон мифологиясида ой “хўқиз уруғига эга бўлган” деб, шумер ва аккад халқларида эса ой тангриси Син кўк соқолли хўқиз сифатида тасаввур қилинган. Шумерларнинг “Гилгамиш ва самовий хўқиз” қўшиғида маъбуда Иннин, ўзининг севгисига жавоб бермаган Гилгамишдан аччиқланиб, худолар самовий хўқиз яратсин ва мен учун Гилгамишдан қасос олсин, деб курашади ва мақсадига эришади. Ўша хўқиз осмондан Евфрат дарёсига тушиб, дарё сувини ичиб қўяди. Гилгамиш эса хўқизни мағлуб қиласи (шумерлар давридан бизгача етиб келган суратларда қаҳрамоннинг одамсимон хўқизга ўхшаш махлуқ билан олишув лавҳалари тасвирланган). Шу ўринда ярми буқа ва ярми инсон Қаюмарснинг Ахриман томонидан ўлдирилганини эслатиб ўтмоқчи эдик. Бу сингари сюжетлар крит, юонон, угарит халқларининг қадимги мифларида ҳам бор бўлиб, улар асосан хўқиз билан олишувга оид удумлар билан боғланган.<sup>19</sup>

Маълум бўладики, хўқиз билан боғлик сюжетлар ва тасвирларнинг мақсади турлича – қайси бир халқда ёвуз кучлар тимсоли сифатида тасвирланган бўлса, қайси бир халқда тангри

---

<sup>19</sup> Мифы народов мира. Энциклопедия. Том 1. М.: 1992, 203 бет.

тимсоли сифатида фаолият күрсатади. Бу тасвири мәньнө жиҳатдан гурұхларга ажратиша айни ана шу хусусиятларига таянамиз. Зотан, турли халқларда ҳұқыз мифологик образи билан боғлиқ сюжетни келтиришимиздан мақсад шуки, бу тимсол турли халқларда бир-бирига боғлиқ, бир манбадан келиб чиққан деган фикрдан узоқмиз. Бу үринде бизни қизиқтирадиган ва бевосита мавзумизга алоқадор бўлган ҳамда тангри тимсолини ўзида мужассамлантириши жиҳатидан яқин бўлгани учун, Қаюмарс, Эрклик хон ва Эрон мифологиясидаги ҳұқыз тимсолининг зоонтроморфик хусусияти ҳақида айрим мулоҳазаларимизни айтиб ўтмоқчи эдик.

Ҳұқыз тимсолининг ибтидоси Ўрта Осиё ва Эрон халқларида тангри, яъни маъбуда билан боғлиқ экан, бунинг асослари бу ўлкалардаги диний оқимларнинг умумийлигига таянади. Бу үринда Эрклик хоннинг бош қисми ҳұқыз тимсолида экани ва унинг Қаюмарс афсонасидаги ҳұқыз тимсоли билан қанчалик алоқадорлигига эътибор қаратишимиз, Қаюмарс, Эрклик хон афсоналаридағи ҳұқыз тимсоли бир манбадан эканлигини айтиб ўтишимиз лозим. Рим империяси даврида бутун Шарқий ва Ғарбий Европада, Яқин Шарқда, хуллас, қаерда рим армияси қароргоҳ ўрнатган бўлса, ўша жойларда ибодатхоналар қурилган, бу ибодатхоналарда ханжар билан ҳұқизни ўлдираётган Митра тасвиrlанган барельеф ёки ҳайкал асосий үринда турган. Бу ҳұқизни Ахурамазда биринчи қурбонлик қилинадиган жонзот сифатида яратган эди.<sup>20</sup>

---

<sup>20</sup> Кузнецов Б.И. Бон и маздаизм. Евразия, Санкт-Петербург, 2001, – с.143.

# **ҚАДИМГИ САНЬАТ АСАРЛАРИДА ИККИ ҚИЁФАЛИ ТАСВИРЛАР ВА УЛАРНИНГ МИФОЛОГИК АСОСЛАРИ**

Инсониятнинг табиий олам билан бирлигини ва табиатдаги ҳодисалар, жонзотлар билан ўз фаолиятини уйғунлаштирганини, яъни бир “қолип”га солганини механик ҳодиса сифатида қараш керак, деб ҳукм чиқариш ҳам бир ёқламадир. Чунки бу ибтидоий даврдаги билимнинг ўзига хос намунаси, зотан, “билим культга мансуб, билим мансуб бўлган умумий шакл эса ишончдир...”<sup>21</sup> Инсониятнинг борлиққа ишончи ва ундан ниманидир излаши натижаси ўлароқ юзага келган тушунчалар, тасаввурлар тимсоллар воситасида ибтидоий инсон ўз онгидаги ҳаётини ҳақиқатни кашф этади. Ибтидоий инсон тасаввуридаги ҳаётини ҳақиқатнинг тимсоллари тасвирий ва амалий санъат намуналарида, эртакларда, умуман, ҳалқ оғзаки ижодининг ҳар қандай турида ўз қиёфасини намоён этади. Бу фикрларнинг тасдиғи сифатида Марказий Осиёдаги тасвирий ва амалий санъатнинг энг қадимги намуналарига мурожаат этамиз. Тасвирий ва амалий санъат намуналари бадиий тафаккурнинг маҳсулни ўлароқ, ғайритабиий тимсоллар ифодасида айни ҳалқ оғзаки ижодига ва илк ёзма адабиётга ҳамоҳангдир.

Марказий Осиёдан топилган санъат асарлари, уй-рўзгор буюмлари, иш қуроллари, девор суратлари, қояларга ўйилган ёки ёғочларга ишланган ва бошқа қатор намуналари орасида икки қиёфали тасвирлар бор. Ёзма матн ёки ҳалқ оғзаки ижоди, хусусан, сехрли эртаклар, афсоналар билан юқорида биз айтиб ўтган санъат

<sup>21</sup> Гегель. Философия религии. М.: «Мысль», 1976, 371- бет.

асарларидаги тасвиirlарнинг моҳияти ва мазмуни бир-бирига яқиндир. Зотан, икки қиёфали тасвир санъат асарида бўладими ёки матнда бўладими, барибир, бир мазмундаги мифологик образ бўлиб, “бу мифологик образ учун полисемантизм, яъни образларнинг мазмуний ўхшашлиги деб аталадиган тасаввурлар характерлидир. Бу ҳодиса субъект ва объектнинг, билиб бўладиган олам билан бу оламни биладиган инсоннинг яхлитлиги билан изоҳланарди. Оламни мифологик ўзлаштиришни пайдо қиласидан конкрет фикрлаш шундан иборат эди, инсон буюмларни ва ҳодисаларни фақат яккаликда, умумлаштиришларсиз, уларнинг ташқи, жисмоний мавжудлиги билан, уларнинг сифатига ёриб киришларсиз тасаввур қила олар эди. Биз бундай мифологик тасаввурларни “образлар” деб атаемиз... Илгариги мифологик фикрлашда буюмнинг “хусусияти” жонли мавжудот, шу буюмнинг қиёфадоши сифатида фикр қилинган эди”.<sup>22</sup> Шу нуқтаи назардан баҳоланса, тасвирий санъатдаги икки қиёфали жонзотлар халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётдаги ғайритабиий тимсолларнинг ўрнини босади ва эстетик эҳтиёжни қондиради.

Марказий Осиёнинг барча ҳудудларида – Жанубий Сибирь, Мўғулистан, Ўрта Осиё ҳудудларида топилган санъат намуналари “скиф-сибирь санъатида ҳайвонот усули”, “скиф ҳайвонот усули” каби терминлар билан юритилади. Биз санъатдаги бу усулга эътибор беришимизга сабаб – мифлар, халқ оғзаки ижоди ва илк ёзма адабиётдаги ғайритабиий тимсоллар билан санъатдаги бу сингари тимсоллар бир-бирини тўлдиради, бадиий фикрлаш ҳар иккаласида ҳам бир хил тарзда намоён бўлади. Санъатдаги бу тасвиirlар қадимги

---

<sup>22</sup> Фрейденберг О.М. Миф и литература древности. “Наука”, 1978, – С.182.

туркий қавмларнинг бадиий тафаккур имкониятларини ҳам кўрсатади. Қолаверса, бу усулнинг санъатда узоқ асрлар давомида қўлланиб келгани ҳам инсониятнинг, хусусан, қадимги туркийларнинг эстетик тафаккури ривожига ҳам бир далилдир.

Шуниси ҳам борки, бу муаммо юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилган ва бир қанча нуқтаи назар бўлишига қарамай, Дунайдан тортиб Ўрдусгача чўзилган чўл зонасида истиқомат қилган халқларда скиф-сибирь “хайвонот усули”нинг келиб чиқиши ва унинг тасвирий ҳамда амалий санъатдаги қўринишлари ҳақида китоблар, мақолалар бор бўлишига қарамасдан, масала ҳанузгача мунозаралигича қолмоқда<sup>23</sup>. Ўзбекистонда скиф-сибирь ҳайвонот усули ҳақида Н.Рахмоновнинг айрим кузатишлари бор.<sup>24</sup> У қадимги туркий ёзма ёдгорликларда ва “Ўғузнома” достонида скиф-сибирь ҳайвонот усулининг ўзаро генетик боғлиқлиги жиҳатлари, жумладан, ҳар иккаласида ҳам уч қаватли олам модели ифодалангани ҳақида сўз юритиб, қадимги туркларнинг тасаввури айнан скиф-сибирь ҳайвонот усули асосида пайдо бўлганини далиллашга ҳаракат қилган. Шуниси диққатга сазоворки, Н.Рахмонов скиф-сибирь ҳайвонот усули факат санъатда эмас, балки ёзма адабиётда ҳам ўз изини қолдирганини далиллашга уринган ва мафкура, дунёқарашнинг яхлитлиги бу усулнинг санъатда ва адабиётда деярли бирлигини кўрсата олган. Бу ёдгорликлардаги мифологик образларнинг умумийлиги ёки тарихий

<sup>23</sup> Маннай-оол М.Х. К вопросу о происхождении скифо-сибирского “звериного стиля”. – Новые исследования Тувы №3, 2009; Толстов С.П, Итина М.А. Саки низовьев Сырдарьи. СА, 1966, №2, – С. 151-175; Киселев С.В. Древняя история Южной Сибири. – М.: 1951; Руденко С.И. Культура населения горного Алтая в скифское время. М. –Л., 1953; Руденко С.И. Культура населения Центрального Алтая в скифское время. М. – Л., 1960.

<sup>24</sup> Рахмонов Н.А. Орхено-енисейские памятники и тюрксие эпосы. АДД. Ташкент, 1991. – С. 45.

қаҳрамонларни идеаллаштириш ё уларга мифологик мазмун юклаш орқали олам моделини қадимги турклар ва скифлар қанчалик аниқ тасаввур қилганлари ҳақида ўз қарашларини илгари сурган. Шубҳасиз, қадимги туркийлар ва скифларнинг олам модели ҳақидаги тасаввурларининг умумийлиги уларнинг қариндошлигини белгиловчи омиллардан бири экани тўғрисида бугун мулоҳазаларни айтиш мумкин.

Скиф-сибирь ҳайвонот усулида айрим рамзий образлар “кўчиб юриши” натижасида Европага ҳам тарқалган.

Скиф-сибирь ҳайвонот усулида ясалган олтин ва кумуш буюмлар орасида ғайритабиий тимсолларнинг Марказий Осиёдаги ёдгорликларда кузатилиши алоҳида эътиборни тортади. Ўтган асрнинг 60-70- йилларида скифологияга бўлган қизиқиш қадимиј тасвирий санъат асарларини тизимли ҳолда ўрганишга олиб келди ва маҳсус конференция ҳам ўтказилди. Бу конференция материаллари алоҳида тўплам ҳолида босилиб чиқди.<sup>25</sup> Мутахассислар Осиё ва Европанинг кўп ҳудудларидан топилган археологик ёдгорликлар мисолида скиф-ҳайвонот усулида бажарилган санъат намуналарини таҳлил қилдилар. Лекин Ўрта Осиё скиф-ҳайвонот усулида бажарилган санъат намуналари эътибордан четда қолганини шу ўринда эслатиб ўтиш ўринлидир.

Тўпламдан ўрин олган мақолалар орасида машҳур археолог М.И.Артомоновнинг санъатдаги “скиф-сибирь ҳайвонот усули”га бағишланган мақоласи ғоят аҳамиятлидир. У мазкур усул ҳақида сўз юритар экан, бу усул маълум бир этник гурухга эмас, балки милоддан

---

<sup>25</sup> Проблемы скифской археологии. – М., 1971.

олдинги биринчи минг йилликда турли ирқларга ва турли тилларда сўзлашувчи халқларга мансублиги тўғрисида ўз мулоҳазаларини ўртага ташлайди.<sup>26</sup> Шубҳасиз, санъатдаги бир турли этник гурухга мансуб усул бошқа халқларга ҳам тарқалганда, уларнинг турмуш тарзи, хўжалик юритишининг умумийлиги, бир хилдаги жамият қурилиши ва ўхшаш мафкураси муҳим рол ўйнайди. М.И.Артомонов скиф-сибирь ҳайвонот усулининг ilk бор пайдо бўлишида Шимолий Эрон қабилалари асосий мавқени эгаллагани тўғрисида гапирадики, бу фикр ўрганилаётган мавзу ва қўйилган масалани ҳал қилишда объектив хуносалар чиқариш учун етарли далилларни бермаслиги мумкин. Биз Эрон ва скиф-ҳайвонот усули тарқалган ҳудудларнинг халқлари билан тарихий-этник муносабатларга тўхталмаймиз, чунки бу алоҳида мавзу. Бизнинг асосий объектилиз тасвирий ва амалий санъатдаги алоҳида усульнинг остида ётган мифологик мазмун бўлгани учун, масалага ўрни-ўрни билан тўхталиб ўтамиз.


Скиф-сибирь ҳайвонот усули амалий жиҳатдан кундалик ҳаётда кўлланадиган буюмлар – иш қуроллари, уй-рўзғор буюмлари, тақинчоқлар, кийимларда ўз аксини топган. Шунингдек, девор суратлари ва амалий санъат намуналари орасида ҳам скиф-сибирь ҳайвонот усулида бажарилганлари кўпчиликни ташкил қиласиди. Биз скиф-сибирь ҳайвонот усулини ҳудудий жиҳатдан эмас, балки бу усульнинг Марказий Осиё ва ундан ташқари ҳудудидаги умумий хусусиятларига, жумладан, тасвиirlанаётган парранда ёки ҳайвонларнинг ғайритабиий тасвирига таяниб ўрганиш тарафдоримиз. Зотан, бу усулда мифологик тасаввурларга асосланган мифологик

<sup>26</sup> Артомонов М.И. Скифо-сибирское искусство звериного стиля. – “Проблемы скифской

фикрлаш Марказий Осиё худудидаги этник гурухларнинг қариндошлигига ҳам далиллардан бири бўла олади. Ғайритабиий ҳайвонлар, паррандалар культи мифологик фикрлашга замин бўлган.

Кўп тарқалган тасвирий санъат асарлари орасида қанотли от, қанотли туя ва бошқа қатор ғайритабиий қанотга эга бўлган жонзотлар кўп учрайди. “Амударё хазинаси” туркумига кирган санъат асарлари орасида ғайритабиий жонзотлар тасвири учрайди.

“Амударё хазинаси”га мансуб ёдгорликлар, маълумотларга қараганда, Ахмонийлар даврига оид бўлиб, милоддан олдинги IV-II асрларга тегишли. Бу хазинага мансуб буюмлар орасида дастаги шеърнинг калла қисми ва орқа томони олтиндан қилинган кўза, икки қанотли грифон гавдаси шаклидаги билагузук, фантастик Гопатшоҳ – танаси ҳўкиз, бош қисми соқолли одам бўлган тасвирлар ҳам диққатга сазовор (қуйидаги суратларга қаранг).



“Амударё хазинаси”даги скиф-сибирь ҳайвонот усулига ҳамоҳангликни – шаклан ва мазмунан яқинликни Хоразм ва Термиз атрофларидан топилган ёдгорликларда ҳам кўрамиз. Қуида ҳар бир ғайритабиий жонзот тимсолини алоҳида кўриб чиқамиз.

*Қанотли от тимсоли.* Бу ғайритабий тасвир кенгрок тарқалган. Шулардан бири милоддан олдинги III-II асрларга оид Қўйқирилган қалъадан топилган сувдонга ишланган (афсуски, сувдон иккига парчаланган) тасвирдир. Сувдон парчаларининг биттасида қанотли отнинг учишга тайёрланаётган ҳолати, иккинчисида скиф кийимидағи жангчининг қанотли, аммо орқа оёқлари йўқ отда жангга кираётган вазияти тасвирланган.<sup>27</sup> От тасвиридаги бу ғайритабийлик ҳайкалтарошнинг маҳорати эмас, балки унинг анъанавий дунёқарашининг санъатдаги алоҳида ифодасидир, буни диний дунёқараашнинг ўзи билан боғлаш бирёқлама бўлади. Бу ўринда от қаҳрамонлик рамзи эканига ишорадир. Бу фикримизга “Алпомиш” достонида Алпомишнинг оти тасвири мисол бўла олади. Достоннинг қўнғирот версиясида Алпомишнинг оти қанотли қилиб тасвирланади. Фозил Йўлдош ижросидаги “Алпомиш”да эса қанотнинг ўрнига “қўйруғи қирқ қулоч” от тасвирланади. От қўйруғини зинданга солиб, Алпомишни зиндандан олиб чиқади.

Отнинг ғайритабий тасвири Марказий Осиёнинг бошқа ҳудудларидан ҳам топилган. Қозогистоннинг Иссиқ қўрғонидан топилган амалий санъат намуналарида учрайди. Иссиқ қўрғони Қозогистоннинг Олмаота шахри яқинидаги Иссиқ шаҳарчасида бўлиб, ўтган асрнинг 70- йилларида ilk бор ўрганилган. Ўша археологик объектдан топилган ёдгорликларни археолог К.А.Акишев алоҳида китоб ҳолида чоп эттирган.<sup>28</sup> Мазкур китобда топилган ёдгорликлар сурати берилган бўлиб, бизнинг тадқиқот объектимизга кирадиган

<sup>27</sup> Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. История искусств Узбекистана. “Искусство”, М.: 1965, 37-сурат.

<sup>28</sup> Акишев К.А. Курган Иссык. – М.: “Искусство”, 1978.

ғайритабиий тимсоллар орасида қанотли ва тоғ әчкисининг шохига ўхшаш шохи бор от алоҳида ўрин эгаллади.<sup>29</sup> Қанотли от ва чавандозлар тасвири камарнинг тўқасига ясалган. Давр жиҳатидан Кўйқирилган қалъадан топилган ёдгорлик, “Амударё хазинаси”дан топилган ёдгорликларга яқин – милоддан олдинги V-IV аср. Аммо ҳамма от тасвири ҳам қанотли эмас, транспорт воситасида ишлатиладиган от оддий – ё аравага қўшилган ёки югуриб кетаётган, ё бўлмаса, чавандоз миниб кетаётган ҳолатда тасвирланган.<sup>30</sup> Бу тасвирларнинг мифологик мазмунга алоқаси йўқ. Бу тасвирлар қанотли от тасвирига қараганда поэтик мазмун ифода этмайди. “Поэтик мазмун” тушунчasi шу ўринда қанотли от тасвирига нисбатан қўлланади. Поэтик мазмуни бўлиши учун мифологик мазмун ифода этиши лозим. Чунки қанотли от ёки бошқа қанотли жонзотлар тасвири мантиқий фикрлаш доирасидан чиқиб, бадиий мушоҳада даражасига кўтарилади. Бадиий мушоҳада – бу образнинг мифологик мазмуни демакдир. Мифологик мазмун ҳам аслида от культигининг амалий томонидир. “Культ – бу ғайритабиийликка муносабат усулидир”.<sup>31</sup> От культигининг ғайритабиий тимсоли юқорида мифологик мазмун ифодалashi ҳақида айтиб ўтдик, аммо қандай мифологик мазмун ифодалайди, деган савол туғилиши мумкин. Бизнингча, шундай: умуман, от Марказий Осиё халқларида муқаддас бўлгани учун одамлар худоларини ҳам отсиз тасаввур қила олмаганлар. Бу тасвир ёзма манбаларда қайд этилмагани учун қайси худоларга бағишланганини била олмасак-да, Тангри (осмон) культига

<sup>29</sup> Ўша китоб, 24- сахифадаги ва иловадаги 40- сурат.

<sup>30</sup> Акишев К.А. Ўша китоб, 68- сахифадаги сурат.

бағишлиңган деган мұлоҳазаны айтишимиз мүмкин. Одамлар осмон билан (шунингдек, бошқа худолар ва руҳлар билан) мұносабатларида отни қурбон қилиш ижтимоий жамoa гурухы билан худо ўртасида боғловчи бўғин ҳисобланған.<sup>32</sup> Ҳинд-эрон халқларида от культины Коинот тимсоли сифатида талқин қиласидар. Биринчи навбатда, қуёш худоларига мансуб бўлиб, маъно томондан космогонияга боғланған. Бизнингча, қанотли от тасвири айнан қуёш худосига қурбонликни англатади.

Қадимги туркий қавмларда отни қурбонлик қилиш удумлари бор. Шу боисдан қанотли от тасвири билан одатдаги транспорт воситасида ишлатиладиган от тасвирида фарқ кескин бўлган.

**Қанотли йўлбарс ва қанотли шер тимсоли.** Иссиқ қўргонидан топилган ёдгорликлар орасида қанотли йўлбарссимон йиртқич ҳайвон тасвири бор.<sup>33</sup> Нафақат тасвир жиҳатидан, балки мазмун ва моҳият жиҳатидан ҳам қанотли от билан бир. “Амударё хазинаси” топилмалари орасида ҳам қанотли йўлбарс тасвири, шунингдек, қанотли мушуксимонлар оиласига мансуб жонзот тасвири диққатга сазовор (пастдаги суратларга қаранг). Бундан ташқари, йўлбарснинг, грифнинг хонаки ҳайвонларники сингари шохи ҳам бор.<sup>34</sup> Қанотли йўлбарсни, юқоридагидай, ғайритабиий тимсол сифатида талқин қилишимиз табиий. Иссиқ қўргонидан топилган яна бир ғайритабиий йўлбарс тимсоли аниқ тасвири билан олдингисидан фарқ қиласиди.<sup>35</sup> Бу тасвирда қанотсимон қисм ва йўлбарснинг орқа оёғи томонида тоғ

<sup>31</sup> Нестеров С.П. Конь в культурах тюркоязычных племен Центральной Азии в эпоху средневековья. Новосибирск. “Наука” СО, 1990, с.8.

<sup>32</sup> Нестеров С.П. Юқоридаги асар, 89-б.

<sup>33</sup> Акишев К.А. Ўша китоб, 67-бет.

<sup>34</sup> Пугаченкова Г.А., Ремель Л.И. Юқоридаги асар, 13, 118, 130-суратлар.

тасвирини ифодалайдиган пластинка диққатга сазовор. (Ғайритабиий йўлбарс тимсоли бош кийимда ясалган). Ўрта Осиёдан скиф-сибирь усулидаги бу сингари ғайритабиий тимсолнинг қандай шаклда эмас, қандай объектларга ишлангани ҳам муҳим аҳамиятга эга. Масалан, милоднинг I асрига мансуб қурбонгоҳга 30 та ҳайвоннинг – қанотли шер ёки қанотли ит ҳайкалчалари бирин-кетин тарзда ясад ўрнатилган. Мисдан ясалган бу икки қурбонгоҳ маздакийлик культини ифода этади, деган фаразни илгари суриш мумкин.

Тарихий муносабатлар, маданий алоқалар ҳам скиф-ҳайвонот усулининг бошқа худудларга ва тамомила бегона этник гурухлар санъатида ҳам давом этишига асос бўлиши мумкин. Ўрта Осиёдан тортиб Хитой ва Ҳинд-хитой мифологиясида йўлбарс ёки шер ҳайвонлар шоҳи ва ўрмон хўжайини тимсолида қўллангани маълум. Бу анъана архаик мифологияга ва қадимий удумлардан озиқланган ва кўплаб эртак, достонларга ўтгани шубҳасиз. Шунингдек, йўлбарс айrim халқларда тоғ ва ғор рухи тимсолида ҳам қўлланади.<sup>36</sup> Ўзбек, қорақалпоқ ва қирғиз халқларининг инонч-эътиқодларида бу тимсолнинг бир-бирига яқин маъно ифодалашида ҳам маълум бир мақсад бордай туюлади. Масалан, қорақалпоқ аёлларининг эътиқодига кўра, фарзандсизликка барҳам бериш учун бир парча йўлбарс гўштини тановул қилиш кифоя бўлган экан. Қирғиз шомонлари дуоларини ўқиётганларида, ёрдам сўраб оқ йўлбарсга мурожаат қиласа эканлар. Бу сингари мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бу ўринда қанотли йўлбарс ёки шердан мақсад шуки, бу

<sup>35</sup> Акишев К.А. Юкоридаги асар, 86-бет, 3-сурат.

<sup>36</sup> Батафсил маълумот олиш учун қаранг: Мифы народов мира. Том 2. М.: Советская энциклопедия. 1992, с.511-512.

тасвир фақат хаёлот маҳсули сифатида ишлатилмаган, балки мифопоэтик тасаввурларнинг инъикоси деб қараш мақсадга мувофиқдир. Албатта, мифопоэтик тасаввурлар удумлар, ионч-эътиқодлар, диний эътиқодларга таянади.



**Қанотли одам.** Жанубий Ўзбекистон ёдгорликлари орасида грек-бохторий маданиятига мансуб (милоддан олдинги II аср) медальонда эса “Тихэ-Хванида” илоҳасининг қанотли тасвири туширилган.<sup>37</sup> Одамнинг қанотли тасвири грек мифларининг таъсири, деб хулоса чиқариш ҳам мумкин. Аммо эллин маданияти Ўрта Осиёга кириб келмасдан олдинги қанотли инсон тўғрисида қандай фикр юритиш мумкин? Айниқса, эртакларда, достонларда инсоннинг “бир зумда” бир мамлакатдан бошқа бир мамлакатга учиб боришини қандай изоҳласа бўлади? Бу ғайритабиийлик сехрли эртаклардаги образларда кўринмас қанот бор деган фикрга олиб келади.

**Илон тимсоли.** Илон тасвирий санъатда ғайритабиий тимсол сифатида бошқа жонзотларга қараганда қадимийроқ. Милоддан олдинги иккинчи минг йилликка оид Сўхдан топилган қора тошдан

<sup>37</sup> Пугачанкова Г.А., Ремпель Л.И. Юқоридаги асар. 40- сурат.

ясалган икки бошли илон шаклидаги тумор диққатга сазовор.<sup>38</sup> Бу буюм тасвиридан шу нарса англашиладики, у, биринчидан, аёллар учун мўлжалланган бўлиши мумкин, ёки ритуал маъно ифодалаб, Ўрта Осиё халқлари мифологиясида уйда доимий сакланадиган тимсол бўлиб, ҳосилдорлик, фаровонлик, айни пайтда, эркаклик қудратининг рамзи сифатида талқин қилиш мумкин. Далварзинтепада олиб борилган археологик қазилмалар натижасида милодий I асрга оид илон шаклидаги билакузук топилган. X-XII асрларга оид Сайрамдан топилган туморчада шер, йўлбарс тасвири билан бир қаторда илонлар сурати ҳам тасвирланган. Одатда, Ўрта Осиё заргарлари билакузукларни икки бошли илон шаклида ясашган.<sup>39</sup> Бу илон-тумор фақат инонч-эътиқодлар рамзи сифатида қўлланиши билан бирга, кундалик турмушда кўп қўлланадиган буюмлар ҳам илон тасвирида ясалган. Бунинг намунаси сифатида Иссик қўргонидан топилган уй-рўзғор буюмлари орасида сопи илоннинг боши шаклидаги чўмич характерлидир.<sup>40</sup> Қадимги туркий қавмларда илон культи муқаддас саналгани маълум, аммо илонга нисбатан турли диний оқимларнинг таъсири уни муқаддас жонзот сифатида талқин қилиш ҳақидаги қарашларни ўзgartирган. Жумладан, ўзбек халқи исломни қабул қилгандан кейин эзгулик ато этувчи “муқаддас” илонлар “мусулмон”, заҳарли илонлар эса “кофирлаштирилган”.<sup>41</sup> Илон тимсоли исломиятдан олдин эзгулик, фаровонлик, бойлик ато этувчи бўлгани учун ҳам тасвирий санъатда муҳим ўрин эгаллаган.

<sup>38</sup> Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Юқоридаги асар, 5- сурат.

<sup>39</sup> Файзиева Д.О. Ўзбек фольклорида илон образи (генезиси ва бадиияти). НДА, Тошкент. 2004,13- бет.

<sup>40</sup> Акишев К.А. Юқоридаги асар, 114- бет, 35- сурат.

<sup>41</sup> Файзиева Д.О. Ўзбек фольклорида илон образи (генезиси ва бадиияти). НДА. 12- бет.

VIII асрга мансуб туркий-рун ёзувидаги Ирқ битиги (Фол китоби)даги тимсоллар ғайритабийликни ўзида мужассам этгани билан диққатга сазовордир. Бу битигдан қуйидаги парчага эътибор қаратамиз:

*Altun babaşlıq jilanman. Altun qoruğsaqımın qılıçın kasıpan özüm yol intin başımın yol abıntın tir. Ança bilinglar: yablaq ol* (VIII) – Олтин бошли илонман. Олтин қорнимни қилич билан кесганда, танамга йўл индандир, бошимга йўл уйдандир, дейдилар. Шундай билинглар: ёмондир бу<sup>42</sup>.

Олтин бошли илон нима ёки ким? Илон шунчаки жонзот эмас, шунчаки жонзот бўлмагани учун ҳам, унга инсоний хусусият кўчирилган (ҳайвонларнинг инсон каби биринчи шахс тилидан гапириши эртакларда кўп учрайди.) Н.Раҳмонов бу парчани таҳлил қилас, қуйидаги удум билан боғлайди: “Агар уйда илон пайдо бўлса, уни уч кунгача ўлдириш керак эмас, тўртинчи куни эса ўлдириш керак (гап бу ўринда қадимги туркларнинг инонч-эътиқодлари тўғрисида кетяпти – X.A.). Агар илон уч кун ичидан уйдан ўз-ўзидан кетса, уй эгасига даромад, бойлик келади”.<sup>43</sup> Бу хикоячанинг мақсади очилгандай туюлади. Лекин, бизнингча, “олтин бошли илон” ғайритабий тимсол экани бу китобда эътибордан четда колган кўринади. Қолаверса, илонни, умуман, “Ирқ битиги”даги ғайритабий тимсолларни таҳлил қилиш бу китобнинг вазифаси

<sup>42</sup> Бу хикоячанинг талқини ва таржималари турличадир. С.Е.Малов ўзи қилган таржимани шубҳали деб қарайди (қаранг: Малов С.Е.Памяники древнетюркской письменности. М.:Л. 1951, – С. 86), Турк олими Х.Н.Ўрқун ҳам айни шу хикоячани турк тилига таржима қилганда, сўроқ аломатини қўйган, яъни мазкур хикояча Ўрқун учун тушунарсиз бўлган ва у ҳам бунинг удумлар билан боғлиқ томонларига диққат қаратмаган. Биз Н.Раҳмоновнинг қадимги туркийдан ўзбекчага қилган табдилини олдик (Қаранг: Н.Раҳмон. Турк хоқонлиги. Тошкент. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993, 135- бет).

<sup>43</sup> Раҳмон Н. Турк хоқонлиги. Тошкент, Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1993, 114- бет.

бўлмаган. Илоннинг туркий халқлар ёзма адабиётида ва фольклорида турли мақсад ва маънода қўлланишида ўзига хослик бор. Ўзбек фольклоридаги илон образи махсус тадқиқ этилган.<sup>44</sup> Гарчи илон культи ва унинг бадиияти ҳақида махсус диссертация ёзилган бўлса ҳам, илон тимсолининг мифологик асослари, илоннинг ғайритабиий маъноси ва вазифаси, Шарқ халқлари санъатида, халқ оғзаки ижодида тутган ўрни ҳали алоҳида тадқиқот ишлари олиб боришни талаб этади. Зотан, халқ оғзаки ижодида ва илк ёзма манбаларда қандай тимсол бўлмасин, ғайритабийликдан холи талқин ва таҳлил қилиш мумкин эмас. Жонзотлар, ўсимликлар ва бошқа буюмлардан иборат тотемлардан ташқари, “илгариги даврларда талаффуз қилинган сўз ҳам тотем бўлган. Энди сўз ўлувчи ва тириловчи худоларга ўша Тушунча сифатида мурожаат этади. Тотем ўзи ҳақида ўзи гапиради (бақиради, куйлади, ижро этади); уруғчилик жамиятининг худолари ўз мифологемаларини ўzlари эмас, балки отанинг, уруғбошининг, шоҳнинг ёки коҳиннинг оғзи билан гапиради. Бу мифологемалар, “сўзлар” ўzlарига (жамоага) ўzlари мурожаат этмайдилар, балки худоларга – вазифа жиҳатидан жамоанинг ўринбосарига мурожаат этадилар”<sup>45</sup>. Агар “олтин бошли илон” тимсолини О.М.Фрейденбергнинг мазкур нуқтаи назари бўйича талқин қилсак, “Ирқ битиги”даги бу тимсол – тотем, уруғнинг (яъни илонни муқаддас деб билган ва ўzlари учун тотем деб билган уруғ) номидан у гапиряпти, “олтин бошли илон” – уни муқаддас деб билган жамоанинг худоси. Агар О.М.Фрейденбергнинг “талаффуз қилинган

<sup>44</sup> Файзиева Д.О. Ўзбек фольклорида илон образи (генезиси ва бадиияти). НД, Тошкент, 2004.

<sup>45</sup> Фрейденберг О.М. Миф и литература древности. Главная редакция восточной литературы. М.: 1978, – С.103.

сўз ҳам тотем бўлган”ини “олтин бошли илон”нинг сўзига татбиқ қиласидиган бўлсак, мазкур ҳикояча метафора асосига қурилганини англашимиз мумкин. Шу билан бирга, қанотли илон айрим туркий халқлар эртакларида салбий хусусият ифодалашини инобатга оладиган бўлсак,<sup>46</sup> бунга, юқорида айтганимиздек, исломнинг таъсири деб қараш керак бўлади ва қадимги тасвирий санъатда бу ғайритабиий тимсол учрамаслиги аён бўлади.

Туркий халқлар мифологиясида қушлар ва жонзотлар, шунингдек, қанотли жонзотлар уч қаватли олам моделини ифодалайди. Жумладан, илон ер ости оламини ифодалагани учун доим қанотли жонзотларга қарама-қарши қўйилади. Аммо универсал мифологиянинг айрим туркий халқларда сақлангани ва айримларида йўқолгани сабабли, турк халқ эртакларида исломдан олдинги илоннинг ғайритабиий хусусияти йўқолган, деб хулоса қилишимиз мумкин. Зотан, цивилизациялашган халқлар мифологиядан узоқлашади, замонавийликнинг таъсири эртакларнинг ҳам асл моҳияти ўзгаришига олиб келади. Буни сеҳрли эртаклар мисолида янада аниқ кўриш мумкин.

**Бир кўзли одам.** Геродот ўзининг “Тарих” китобида Ўрта Осиёда истиқомат қилган скифлар, савроматлар, иссадонлар ва бошқа қабилалар ҳақида сўз юритар экан, бу қабилаларнинг географик жойлашуви, майший ҳаёти, турмуши билан бирга, этник таркиби, урф-одатлари ҳақида ҳам сўз юритади. Жумладан, иссадонлар ҳақида тўхталганда, энг диққатга сазовор томони сифатида қуйидагиларни айтади: “Исседонларнинг ҳикоя қилишларича, бир кўзли одамлар ва

---

<sup>46</sup> Стеблева И.В. Очерки турецкой мифологии. – М.: “Восточная литература”, 2002, – С.24.

олтинни қўриқловчи грифлар (йиртқич ҳайвонлар – Н.Р.) яшайдилар. Скифлар бу ҳақда исседонларнинг сўзлари орқали хабар берадилар. Биз ва бошқалар скифлардан билиб оламиз ва уларни аrimасплар деб атаймиз: “арима” скифларда “битта” деган маънени билдиради, “спу” – “кўз” демакдир”.<sup>47</sup>

Бу тарихий маълумотни Геродот ўзи кўрмаган ҳолда, скифлардан эшитгани бўйича ҳикоя қилган. Аммо бир кўзли одамлар хақиқатан бўлганми ё иссидон қабиласи ёки скифлар бу қабила ҳақида яратган афсонами – буниси номаълум.

Бир кўзли одам (ғаройиб топшириқларни ҳал қилиш учун одатдаги иккита кўз етишмайдиган одам) рус халқ оғзаки ижодида ҳам бор бўлиб, икки кўзли одамга қарама-қарши кўйилади.<sup>48</sup>

Бир кўзли одам туркий халқлар эртаклари ва достонларида кенг тарқалган. Жумладан, ёқут халқ сеҳрли фантастик эртакларида бир кўзли одам тимсоли диққатга сазовор. Бу тимсол “Чўпчўкин” эртагида бор. Чўпчўкин кўлда балиқ овлаб, оиласини боқарди. Бир куни тонг отгач, кечқурун ташлаган четандан хабар олиш учун кўлга келди. У келиб, қайикдан сувни олиб ташлашни бошлаган эди, бирдан ғарб томондан келаётган кучли шовқинни эшитиб қолади. Кўп ўтмай, вахимаю шовқин-сурон билан *абаасининг*<sup>49</sup> бир кўзли ўғли келиб қолади. Чўпчўкин бир кўзлининг талабини бажариб, икки ёшли тойини беради. Абаасининг бир кўзли ўғли тойларни еб қўяди. Охири

<sup>47</sup> Геродот. История. Научно-издательский центр «Ладомир». – М., 1993, – С.193.

<sup>48</sup> Мифы народов мира, том 2, – С. 246.

<sup>49</sup> *Абааси* – ёқут фольклорида душманнинг умумий номи, у Қуи ва Юкори оламда истиқомат қилади; мифларга ва қадимги инонч-эътиқодларга кўра, ёвуз рух *абааси* одамларга зарар келтиради, хасталик олиб келади. Унинг акси *айии* бўлиб, инсониятга ҳомийлик қиласидиган мифологик илоҳларнинг умумий номи; *айии* ёқут олонхоларида ва эртакларида “одам”,

Чўпчўкин бир кўзлиниң талабини бажаришга имкони қолмагач, Чўпчўкиннинг ўзини еб қўяди. Чўпчўкиннинг тирик қолган бир ўғли ва бир қизи буқачанинг устига миниб қочадилар. *Бир кўзли ўғил қизни еб қўяди, бир қанча саргузаштлардан сўнг, буқачанинг юраги ва жигаридан пайдо бўлган икки ит бир кўзлини ўлдирадилар ва бу ҳақда Чўпчўкиннинг ўғлига хабар берадилар.*<sup>50</sup>

Эртакдаги бир деталга – бир кўзлиниң ғарб томондан келганига эътибор берайлик. Эртакда ҳикоя қилинишича, бир кўзли одам Ғарбдан келади. Айрим халқлар маданиятида Ғарб рамзи қўрқув маъносига эга.<sup>51</sup> Умуман, Ғарб рамзи кўпчилик халқларда ўлим, ёмон рухлар макони маъносини ҳам ифодалайди. Ана шу маънолари туркий халқлардаги бир кўзли одам тимсолида ҳам бор бўлиб, бизнингча, унинг қуи оламдан келиб чиққанига ишора қиласди. Уч қаватли олам модели мазкур ғайритабиий тимсоллар орқали бу эртакда ифодаланган.

---

“бизнинг одам” маъноларида қўлланади (қаранг: Якутские народные сказки. Новосибирск, “Наука”, 2008. – С. 416).

<sup>50</sup> Якутские народные сказки. Новосибирск, «Наука», 2008. – С. 185-195.

<sup>51</sup> Тресиддер Джек. Словарь символов. М.: «Фаир-пресс», 1999. – С. 359.

## П БОБ

# ИККИ ҚИЁФАЛИ МИФОЛОГИК ПЕРСОНАЖЛАРДА ҒАЙРИТАБИЙ ВА ЗАМИНИЙ ЭЛЕМЕНТЛАРНИНГ ҚОРИШИҚЛИГИ

Туркий халқлар оғзаки ижодида икки қиёфали қаҳрамонларнинг биттаси албатта одам бўлади. Одам ўрта оламда истиқомат қиладиган жонзот. Бошқа оламларга – юқори оламга (масалан, кўринмас қанот билан) чиқса, ижобий қаҳрамон, қўйи оламга чиқса, салбий қаҳрамонга айланади. Аввало, инсоннинг қушга (масалан, каптарга) айланиш лавҳаси кўп учрайди. Ўзбек халқ эртакларидан “Беш қиз” эртагида қизнинг турли қуш ва ҳайвонларга айланиши лавҳасига мурожаат этамиз.

... Қиз отасининг сўзини қайтара олмай, хўп деди. Шу куни кечаси билан ўқиб, тонг отганда мени *одам* суратига киргизди. Подшо билан хотини мен билан қайтадан кўришди. Бироздан кейин подшонинг боғига чиқиб, ўтирган эдик, шу орада осмонда бир кабутар пайдо бўлди. Қиз ўрнидан туриб: “Жоду қилган *дев* мен билан курашгани келди”, деди. Ўзи дуо ўқиб, бир катта *қора қуши* бўлди, каптар билан олишди. Бир вақтда каптар ерга тушиб, юмалаб *им* бўлди. Қиз юмалаб *шер* бўлди – яна олишди. Охирида турли нарсалар бўлиб, бир-бирларини енга олмади. Қизнинг аччиғи келиб, бир катта *ўт* бўлиб, девни куйдирди...

Дев ёки бошқа маҳлукот ҳам инсонга айланиши ҳам мумкин. Масалан: Дев индамай овқатни еб, ғор оғзидағи арқон билан болтани олиб, *одам* суратига кириб, шаҳарга тўғри тикувчи ёнига борибди.

Бу сингари ғаройиботлар мифологиянинг маҳсули бўлгани учун ҳам, “яхши” ва “ёмон” кучлар – жонзотлар қиёфасидаги дев ва қизнинг мифик эврилишлари тотемларга бўлган ишончдир. Тотемларга илк марта ишонч- эътиқод шаклланганда, “яхши” ва ”ёмон”лар ҳақидаги тасаввурлар ҳам шакллана бошлаган. Бу даврда “цивилизациялашган оламда жиддий фаолият кўрсатиш учун “ёввойиликнинг ақлий ривожланишига мосланган мифнинг пайдо бўлиш тамойиллари”<sup>52</sup> шу йўл билан сақланади. Мифик эврилиш буддавийликда айниқса кенг тарқалган. Масалан, қадимги ҳинд мифологиясида еттига *риши* – донишманд, башоратчи бор. Шулардан бири *Гаутама* бўлиб, буддавийлик мифологиясида у *Будда Шакямунининг исми*дир. Ривоятларга қараганда, Гаутама 550 марта туғилиши жараёнида *бақа*, *балиқ*, *қарға*, *маймун* ва бошқа қўплаб ҳайвонлар тимсолида зоҳир бўлган. Унинг издошлари бошқа нарсага айланиб, ўзгаришларнинг мифологик характерини англашдан шунчалик узоқ эдиларки, бу эврилишларга инончнинг маҳсули сифатида будда ибодатхоналарида қолдиқ сифатида буюқ устоз истиқомат қилган жонзотларнинг жуни, қанотлари, суяклари сақланиб қолган.<sup>53</sup>

Гайритабиий тимсоллар ва уларнинг остидаги мифологик тасаввурлар ҳар доим ҳам ўз маъносида ва булардан қўзланган мақсадда қабул қилинавермаган. Ярми ҳайвон ва ярми инсон шаклидаги жонзотларни цивилизациялашган халқлар ҳайвонсифат деб қабул қилганлар. Инсон ўз ақлий ривожига кўра мифлар яратилган даврда турган бўлса ва бирон ҳодиса ёки одат уни ҳайратга

---

<sup>52</sup> Тайлор Э.Б. Юқоридаги асар, 180- бет.

солсаю сабабини ўзи билмаса, у эртакни ўзи тушунадиган ҳолда ўйлайди ва ҳикоя қилиб беради. Ҳатто эртакчининг ўзи ҳам бунинг ота-боболаридан қолган ҳақиқий афсона эканига ишонмаса ҳам, бу афсонани ундан эшигтан ва такрорлайдиган қабиладоши бу вазиятдан ҳайрон бўлмайди, чунки эртакчи ҳам шу муҳитда улғайган, шу муҳитда яшайди.

Этнологлар (халқнинг келиб чиқиши, ёйилиши ва халқ билан боғлиқ бошқа жараёнларни ўрганадиган соҳа одамлари, этнографияга яқин туради) қадимги даврда ҳам бўлган. Улар маълум ҳодиса-воқеанинг ифода усулини ўрганиб ва у ҳақда маълум хulosага келиб, халқ жонлантириш орқали миф ёки эртакларга киритган тимсолларни халқ билан ўша тимсоллар ўртасидаги реал муносабатлардир, деб тасаввур қилганлар. Жонлантиришга асосланган гайритабиий тимсолларни тасвирий метафоранинг намуналари деб қараш мумкин.

Сибирь туркий халқлар фольклорида, Ўрта Осиё халқлари фольклоридагига нисбатан, туркий халқлар диний-мифологик тизими аслиятини сақланган. Буни, айниқса, қушлар ва ҳайвонларнинг мифологик мазмунида ва бу образларнинг фаолиятида аниқроқ кўриш мумкин.

Умуман, қушлар дунёдаги ҳамма халқларнинг мифологиясида муҳим рол ўйнайди. Биз туркий халқларда шу пайтгача яратилган қушлар билан боғлиқ тадқиқотлар ва олимларнинг кузатувларини эътиборга олган ҳолда, куйидагича фикрни илгари сурамиз:

---

<sup>53</sup> Тайлор Э.Б. Юқоридаги асар, 200- бет.

Биринчи навбатда, қушлар диний-мифологик тизимнинг ва удумларнинг бир тимсоли бўлиб, турли вазифаларга эгадир: қушлар илоҳлар, тотем ота-боболар, маданий қаҳрамонлар, демиург (*грек.* “уста”, “яратувчи”, “халқ учун яратиб берувчи”), инсонлар томонидан айлантирилган худолар, шомонлар, қаҳрамонлар миниб юрадиган ҳайвонлар бўлиши мумкин. Улар илоҳий моҳиятнинг, юқорининг, осмоннинг, осмон руҳининг, қуёшнинг, момақалдироқнинг, шамол, булутнинг мифопоэтик классификатори ва рамзи, космик зоналар, эркинликлар, ҳаёт, ҳосилдорлик, мўл-қўллик, кўтарилиш, чиқиш, илҳомланиш, башорат, каромат, рух, ҳаёт руҳи ўртасидаги алоқа ҳисобланади.<sup>54</sup> Бу ўринда юқоридаги эртаклардан олинган парчадаги қушларнинг мифопоэтик вазифаси қайси бирига тўғри келади, деган савол туғилиши мумкин. Масалан, қора қуш, шер тимсолида илоҳларни ҳам кўришимиз мумкин, чунки булар қизни ўлимдан қутқариб қолдилар ва илоҳий моҳиятнинг ҳамда юқори оламнинг рамзига тўғри келади. Айни пайтда қора қуш ва шер шомон ҳамда ҳаёт руҳи рамзини ифода этади ва ҳ.

Эртакларда жонзотларнинг ёки инсоннинг ғайритабиий пайдо бўлишида кенг тарқалган мифологема – ҳайвон ёки инсоннинг руҳи мавжуд. Яна “Чўпчўкин” ёқут халқ эртагига қайтамиз.

Эртакда буқача инсоннинг вазифасини бажаради. Буқача Чўпчўкиннинг ўғли ва қизини бир қўзли одамдан қутқаргач, бир жойга етиб келдилар. Буқача иккаласига: “Менинг пешонамдан битни қидириб кўринглар-чи, у мени еб ташлади, – деди. Улар ўргимчак катталигидаги битни топдилар. – Ана шу битни ўлдир, – деб буқача

---

<sup>54</sup> Стеблева И.В. Юқоридаги асар, 31- бет.

қизга айтди. Қиз битни ўлдирди. – Энди мен ўламан, – деди буқача. – Ўлма, ўлма! – дедилар бола билан қиз. – Менинг руҳим ўлди, уни сизлар ўлдирдингизлар. Яхшиси, сизларга васиятимни айтай, қулоқ тутинглар! Менинг теримни шилиб олинглар. Сўнгра: “Уй бўл”, деб терини ёйинглар. Бош суюгимга: “Печ бўл, деб, танамнинг тўрт бурчига: “Тўртта устун бўл”, деб, орқа елкамга: “Хари бўл”, деб, юрагим ва жигаримга: “Қора темир итлар бўлинглар”, деб, лахта қонимга: “Итнинг емиши бўл”, деб, тўртта туёғимга: “Тўртта ётоқхона бўлинглар”, деб ташланглар, тери остига кириб ётинглар... Алвидо! – деб буқача жон берибди”.

Бу ўринда ҳар бир тана аъзосининг маълум объектга айланиши ходисасида руҳнинг кўчишини англаш мумкин. Шу билан бирга, буқачанинг ўз тилидан айтилаётган “руҳим ўлди” ибораси диққатга сазовор. Бу ўринда бит буқачанинг руҳини моддийлаштирган, руҳ моддиётга айланган. Яна шуни таъкидлаш керакки, руҳ – ҳаётий курдат, куч-қувватнинг жонлантирилиши, инсон иродасининг курдатидир. Руҳнинг ўлиши – йўқолиши эмас, балки бошқа моддий нарсаларга айланишидир. Руҳ тимсоли, юқоридагидай бошқа ғайритабии жонзотлар тимсоли сингари, Миср, Бобил, Қадимги Юнонистон мифологиясида универсал мифологема ҳисобланади.<sup>55</sup> Руҳ рамзи Жанубий ва Шарқий Сибир халқларининг аксариятига хосдир. Бу ёқут халқ эртагини миф деб ҳам қараш мумкин.

Жонзотларнинг бир қиёфадан иккинчисига – инсонга ёки инсоннинг бирон жонзотга ёки қушга айланиб қолиш сюжетларида ҳам руҳ асосий роль ўйнайди. Зотан, эврилишларда моддиёт ва

---

<sup>55</sup> Мифы народов мира. Т. 1, – С. 443.

руҳнинг ўзаро муносабати ётади. Турк халқ эртакларидан “Чамбар диёр” эртагидаги моддий нарсаларнинг инсон руҳини ўзида мужассам этиши бу жиҳатдан диққатга сазовор.

Бир подшоҳнинг учта қизи бор экан. Улардан иккитаси вазирларнинг ўғилларига турмушга чиқиб, баҳтиёр яшай бошлабдилар. Улар бир куни подшоҳ отасини кўргани келиб, энг суюкли отдан хабар олгани отхонага кирибдилар. Бу от узумдан бошқа нарса емас экан. Иккала катта опа отхонага бораётиб, турмушга чиқмаган сингилларини ҳам олиб борибдилар. От катта опаларнинг қўлидан узум ейишни хоҳламабди, кичик қиз берганда эса, от узумни ебди. Эртаси кун ҳаммаси такрорланибди, от лабларини подшоҳнинг кичик қизига тегизибди. Опалари эса қўрқиб қочиб кетибдилар. Шунда *от* бир силкиниб, чиройли *йигитга* айланибди ва қизга, менга турмушга чиқ, деб илтимос қилибди. Қиз рози бўлибди, отасига, мен ҳеч кимга турмушга чиқмайман, сизнинг ёнингизда қоламан, дебди. Подшоҳ рози бўлибди ва қизига яхши кўрган отини ҳадя қилибди. Йигит билан баҳтли ҳаётнинг асосий шарти сирни саклаш экан: от ҳақиқатан чиройли йигит эканини ҳеч ким билмаслиги керак экан. Кунларнинг бирида жангдаги маҳоратни кўрсатадиган беллашув бўлибди. Катта опаларининг эрлари отларини миниб, жанг майдонига йўл олибдилар, опаларининг ўzlари эса кичик сингиллари олдига келиб, эрларининг қаҳрамонлигини кўкларга кўтариб, мақтанибдилар. Аммо кутилмаган воқеа юз берибди: бирдан жанг майдонида қизил отда ёш йигит пайдо бўлибди, унинг кийимлари қизил, қўлидаги таёғи ҳам қизил экан. У иккала куёвни ҳам енгиб, ғолиб бўлибди, майдондаги ҳамма нарсани остин-устин

қилиб, күздан ғойиб бўлибди. Эртаси куни подшоҳнинг катта қизлари эрларини мақтаб турганларида, майдонда ўша йигит пайдо бўлибди, энди у оқ кийимда, оқ отда ва қўлида оқ таёқ бор экан. У ҳаммани енгибди, ўша ерда турганлар: “Бу йигит ким бўлди экан?” деб бир-бирларидан сўрай бошлабдилар. Шу пайт подшоҳнинг кичик қизи чидаб туролмабди-да, сирни ошкор қилиб: “Бу менинг қайлифим”, – дебди. Қиз ўша зоҳоти отхонага бориб, йигитнинг от терисини ёқиб юборибди. Йигит эса ўша зоҳоти *каптарга* айланибди-да, қизнинг олдига келиб, шундай дебди: “Эҳ гўзалим, сен менга қўлингдан келган энг ёмон ишни қилдинг. Энди бу ерда қолишим мумкин эмас. Алвидо. Энди мени Чамбар диёр деган ном билан излайсан. Мени топгунингча, узоқ вақтлар ўтади, темир чориқларинг тўзийди, темир ҳассанг эгилади”. Шуларни айтиб каптар учиб кетибди, қиз эса йиғлаб қолаверибди, аммо қайлигини излаб йўлга отланишга қарор қилибди. Отаси қизига темир чориқ ва темир ҳасса ясаб беришларини буюрибди. Шундан сўнг қиз йўлга тушибди. Қиз узоқ йўл юриб, бир булоқ ёнига келибди. Қиз темир ҳассаси эгилганини, темир чориғи тўзиб кетганини шу ерга келганда билибди.

Қайлиғи шу атрофда эканини қиз фаҳмлабди. Қиз дам олгани булоқ бўйига ўтирибди. Шу орада Чамбар диёр билибдики, бир бечора сув сўраб булоқ бўйида ўтирибди. Чамбар диёр ўша томонга йўл олибди, ўз севгилисини олмага айлантирибди-да, чўнтағига солиб, уйига келибди. Бу уй девларнинг макони экан. Ҳамма девлар бирдан: “Инсон гўштининг ҳиди келяпти!” деб бақирибдилар. Аммо Чамбар диёр девларни, қизга тегмайсизлар, деб кўндирибди. Девлар қизга заар өтказмасликка қасам ичибдилар, аммо бу қасамни қандай

бузсак экан, деб баҳона излай бошлабдилар. Девларнинг онаси қизни ейишга баҳона топиш учун айёрлик билан қийин ишларни буюраверибди. Аммо Чамбар диёр қизга ёрдам бериб турибди. Чамбар диёр ва қиз ҳамма девларни енгиш мумкин эмаслигини билиб, қочиб кетишига қарор қилишибди. Улар қочиб, девлар эса уларни қувлаб кетаётгандарида, қизни боқقا, йигит ўзини эса бозбонга айлантирибди, Кейин йигит қизни *даражатга*, ўзини эса дарахтни ўраб турган катта *илонга* (юқоридаги *илон* тимсолига қиёсланг, бу ўринда ҳам илон тимсоли ҳомий, исломдан олдинги мифологик мазмуни сақланган – X.A.) айланибди. Кейин иккаласи *гулчамбарга* айланибдилар ва қизнинг отаси – подшоҳнинг қўлига бориб қолибдилар, яна *тариққа* айланиб, подшоҳнинг тўни остига яшириниб олибдилар... Хуллас, йигит билан қиз шу тариқа девлардан омон қолибдилар.

Бу эртакда олма, дарахт, гул, тариқ (дон) ҳосилдорлик, мўлкўллик, муваффақият рамзини ифодалайди. Боғ эса ўсимликларнинг йигиндиси сифатида нафақат ҳосилдорлик, балки абадий ҳаёт рамзини ифода этади.<sup>56</sup> Яна шуни қўшимча сифатида айтмоқчимизки, йигит билан қизнинг турли жонзот ва нарсаларга айланиши инсониятнинг ибтидоий фикрлаш тарзига – табиатдан ажрала олмаган даврга, ўзини табиат билан яхлит ҳолда тасаввур қилган даврга ишора қиласди.

Эртакнинг ғайритабии тимсоли – Чамбар диёр ва у билан боғлиқ воқеалардир. Шу ўринда, гарчи от ҳақида ўзбек фольклоршунослигига кўплаб ишлар қилинган бўлса ҳам, бу

<sup>56</sup> Мифы народов мира. Т. II, с. 369.

эртакдаги от қиёфасига оид бўлган мўъжиза ва у билан боғлиқ мифологик тизим ҳақида қисқача тўхталиб ўтишни лозим, деб биламиз. Отнинг мўжизавий тимсоли – универсал мифологема. Бу тимсол Евроосиё мифологиясида муҳим роль ўйнайди. Шу билан бирга, бир қатор худоларнинг атрибути ҳам ҳисобланади. Мифологик от ҳақидаги ҳикоялар қадимги ҳинд, кельт ва славян мифологиясида ҳам мавжуд. Худоларнинг отлари ҳақидаги ҳинд-европа мифологиясидаги тасаввурларга мосликни отларни қурбонлик қилиш удумларида кўриш мумкин: жумладан, қадимги ҳинд мифологиясида отнинг қурбонлик қилиниши оламнинг уч қаватига тенглаштирилади. Бу удум қадимги рим, славян ва герман халқларида ҳам учрайди.<sup>57</sup> Айни пайтда қадимги ҳинд мифологиясидаги *олам дарахти* ҳам от рамзи орқали ифодаланган.<sup>58</sup> Ҳинд мифологиясида икки тимсолнинг бир-бирига тенглаштирилганини эътиборга олсак, мазкур эртакдаги “от” олам дарахтини ҳам ифодалайди, деган фикрни ўртага ташлашимиз мумкин. Зотан, эртакдаги отга боғлиқ фазо тушунчаси “ўсимлик (гулчамбар, тариқ) – ҳайвон (от, илон) – инсоният” модели орқали ифодаланади. Эртакнинг ички тузилишини ташкил қиласиган аниқ мифологик тизимга таяниб ҳамда уч қаватли олам модели отга боғлиқ эканини ҳисобга олиб, от олам дарахти рамзини ифода этади, деб қараймиз. Энди савол туғилади: қадимги ҳинд мифологиясидаги отнинг олам дарахти рамзини ифодалаши билан туркий халқларга мансуб бу эртакдаги ғайритабиий от тимсоли ўртасида қандай алоқадорлик бор? Қадимги ҳинд мифологиясидаги от рамзининг олам дарахтини ифодалаши ва қурбонлик қилинишига оид тасаввурлар

---

<sup>57</sup> Мифы народов мира. Том 1. – С. 666.

билин Марказий Осиёдаги туркий қавмларнинг от тимсоли олам дарахти рамзини ифодалаши ҳақидаги мифологик тасаввурлар ва удумлари билан мос келишига сабаб тарихий алоқалардир.

Кўп тарқалган нуқтаи назарга кўра, II минг йилликдан олдин Ўрта Осиёдан, хусусан, Амударё ва Сирдарё оқими бўйлаб жойлашган ўлкадан тортиб Орол ва Каспий денгизларигача чўзилган юртдан Ҳиндистонга арийлар қабиласи бостириб кирган (М.Майрхофер, И.М.Дъяконов, Т.Боррау ва бошқа кўп шарқшунослар шу фикрда). Ана шу даврдан бошлаб арийларнинг алоҳида қабилалари турли томонга кўча бошлаганлар. Бу кўчиш II минг йилликнинг ўрталарига тўғри келади. Улар Ўрта Осиёдан Афғонистонга, у ердан Ҳиндикуш тоғлари орқали Ҳиндистонга – хозирги Панжоб вилоятига ўтганлар. Арий деган номни Ҳиндистондаги қабилалар қўйган эмас, балки Ўрта Осиёдан борган қабилаларнинг ўзлари олиб борганлар. Арийлар “нафақат ҳарбий истеъдоди билан, балки бадиий сўз соҳасидаги иқтидори билан ҳам ажралиб турганлар...”<sup>58</sup> Бу қабилаларнинг энг асосий хазинаси мадҳиялар бўлиб, келгусида жамланган Ригведаларнинг асосида ана шу мадҳиялар ётган эди”.<sup>64</sup> Арийларнинг бошқа ўлкалардан Ҳиндистонга киргани тўғрисида бошқа фикрлар ҳам бор,<sup>65</sup> аммо кўпчилик рус ва Европа шарқшунослари арийлар дунёning кўп томонларига Ўрта Осиёдан тарқалганини айтадилар.

“Ригведа” билан “Авесто”нинг қариндошлиги масаласини далиллашда олимлар, тарихий алоқалардан ташқари, лингвистик

<sup>58</sup> Мифы народов мира. Том 1. – С. 144.

<sup>64</sup> Елизаренкова Т.Я. Юқоридаги китоб, 426- бет.

<sup>65</sup> Елизаренкова Т.Я. Юқоридаги китоб, 437- бет.

омилларга ҳам таянадилар. Мутахассисларнинг фикрича, “Ригведа” билан “Авесто” тилининг бири-бирига яқинлиги (айниқса, “Ригведа”даги мандал ва “Авесто”даги готлар) шу даражадаки, баъзан иккала ёзма манбадаги матн бир архаик матннинг икки вариантига ўхшаб кўринади, факат товушлар мослиги қоидаларида фарқ бор, холос. Ана шу яқинлик туфайли ҳам айрим олимлар ўтган асрнинг биринчи чорагида “Авесто”даги баъзи шеърлар “Ригведа” тилига таржима қилинган, деган фикрга келдилар. “Авесто”дан қилинган бу таржималарни ведаларнинг аслиятидан фарқлаб бўлмаган.<sup>66</sup>

“Ригведа” билан “Авесто”нинг тили, жумладан, поэтик нутқининг яқинлиги тадқиқотчиларнинг диққатини тортган. Ҳар икки ёзма ёдгорликдаги мифологик мерос бирдир – иккаласи ҳам арийлар мифологиясидан озиқланган. Аммо диний тизим “Авесто” ва “Ригведа”да фарқли бўлгани учун ҳар иккаласида ҳам бу тизим ўз тараққиёт йўлидан кетди. Тил ва мифологик мероснинг ҳар иккала манбада бирлиги айрим сўзларнинг маъно ва вазифалари солиштирилганда маълум бўлади. “Ригведа”да *deva* – “Авесто”да *daeva* сифатида талаффуз қилиниб, биринчисида “худолар” маъносини, “Авесто”да эса бу сўз “иблислар” маъносини билдиради. “Авесто”да *ahura* сўзи “Ригведа”да *asura* деб айтилади ва биринчисида факат худоларни (масалан, Ахурамазда ёки Хўрмузд) билдирса, “Ригведа”да худолар (масалан, Митра, Варуна каби)нинг эпитети вазифасида қўлланади.

“Ригведа” билан “Авесто”нинг мифологик қаҳрамонлари ўртасидаги умумийлик шуни кўрсатадики, исмларнинг лингвистик

---

<sup>66</sup> Олтун ёруғ. 1-китоб, Сўз боши, изоҳлар ва қадимги туркийдан ўзбекчага табдил муаллифи

жиҳатдан бирлиги, қолаверса, ҳар иккаласида вазифа ва сюжет жиҳатидан ўхшашлиги улар ўртасидаги қариндошлиқ алоқаларидан далолат беради. “Ригведа”да *Yama*, “Авесто”да *Yima*, “Ригведа”да *Vata*, “Авесто”да *Vita*, “Ригведа”да *Vayu*, “Авесто”да *Vayu* ва ҳоказо исмларда айнан шуни кўриш мумкин.

“Ригведа” ва “Авесто” икки диний тизимга мансуб бўлса ҳам, иккаласи учун умумий бўлган культилар бор. Жумладан, олов культи ҳар иккаласида заминда қурбонлик куйдиришни, осмондаги қуёш ва бошқа самовий илоҳларга оид ҳамма хусусиятларни қамраб олади, ёки *муқаддас ўсимликлар* культи тўғрисида маълумот берилганда, ҳар иккала манбада ҳам бу ўсимликлардан боқий умр ато қиласидиган ичимлик тайёрланиши тўғрисида сўз кетади. Шунингдек, ҳар иккала манбада мадҳия-ибодатлар ҳам умумий мазмунга эга.

Умуман олганда, ҳар иккала халқнинг ёзма ёдгорликларини жалб қилган ҳолда, умумий мифологияни ўрганиш келгусида амалга ошириладиган вазифалардан биридир. “Олтун ёруғ”даги Зерван ва Хўрмузднинг мифологик асосини ведалардан, хусусан, “Ригведа”дан бошлаш масалага кўп ойдинлик киритади.<sup>59</sup>

---

Н.Раҳмон, Тошкент, 2009, 7-8-бетлар.

<sup>59</sup> Батафсил маълумот олиш учун қаранг: Олтун ёруғ. Сўз боши, изоҳлар ва қадимги туркийдан ўзбекчага табдил муаллифи Н.Раҳмон. – Тошкент: Фан, 2009. 8- бет.

## ХУЛОСА

Исломиятдан олдинги қадимги туркий ёдгорликлар, маданий обидалар, тасвирий ва амалий санъат намуналари ижоднинг ўзига хос хусусиятини мужассам этади. Ибтидоий фикрлаш тарзи “ақлий қолоқлик”ни эмас, балки инсониятнинг ҳар доим оламни билишга интилиб борганини далиллайди. Бунинг маҳсули сифатида мифлар шаклланди. Бу жараён инсониятнинг ўз қарашларини бадиий йўсинда ифодалашни, оламни билиш натижасида эстетик завқ олиш лаёқатини шакллантириди. Инсон табиий ҳодисалардан, буюмлардан эстетик завқ ола билди.

Туркий халқлар яратган мифлар, афсоналар, эртаклар, илк ёзма адабиёт намуналаридағи ғайритабиий тимсолларни таҳлил ва талқин қилиш шуни кўрсатмоқдаки, қадим аждодларимизнинг мушоҳада қилиш, яратувчилик қобилияти ғоят юксаклиги билан алоҳида ажралиб турган. Ғайритабиий тимсоллар барча туркий халқларда умумий, айни пайтда барча туркий халқларда ўша тимсоллар бир хил маъно ва вазифада қўлланади. Эртак ва достонлардаги айрим жузъий хусусиятлар ижтимоий вазият – маълум бир диний оқимларнинг маълум бир туркий халқларда барқарорлашуви билан боғлиқ. Бу вазият, шубҳасиз, туркий халқлар диний-мифологик тизимиға мансуб ғайритабиий тимсолларни таҳлил ва талқин қилишда ана шу жиҳатларини ҳам назарда тутишни тақозо қиласи.

Туркий халқлар халқ оғзаки ижоди ва қадимги ёзма адабиётидаги ғайритабиий тимсолларни ўрганиш шундан далолат беряптики, бу йўналиш Ўзбекистонда энди бошланяпти. Зотан, туркий халқлар мифологияси маҳсули бўлган ғайритабиий тимсоллар

кўп масалаларга – фикрлашнинг турли кўринишлари ва омиллари, бадиий тафаккур тадрижи, Шарқ ва Европа билан тарихий алоқалар ва мифологиянинг ўзаро таъсири, туркий халқлар сеҳрли эртаклари ва санъатнинг ўзаро муносабати каби кўп масалаларга ойдинлик киритади.

**ХАМЗА АЛЛАМБЕРГЕНОВ**

# **ҒАЙРИТАБИЙ ОБРАЗЛАРНИНГ МИФОЛОГИК АСОСЛАРИ**

*Мұхаррір:*

**Акрам Декон**

*Техник мұхаррір:*

**Файзулло Азизов**

*Дизайнер:*

**Аскар Ёқубжонов**

«Мұхаррір» нашриёти  
Лицензия: АI № 099. 2008 йил 24 март

Теришга 2013 йил 07 январда берилди.

Босишига 2012 йил 14 февралда рухсат этилди.

Бичими: 60x84  $\frac{1}{16}$ . «Virtec Times» гарнитурасыда

офсет босма усулида оффсет қофозида босилди.

3,5 шарт. б.т. 2,8 ҳисоб нашр. таб.

Адади 500 нусха. 18-сон буюртма.

«Мұхаррір» нашриёти матбаа бўлимида чоп этилди.

100060, Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 8-уй

E-mail: Muharrir@list.ru